

Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА



ШАНБА, 5 НОЯБРЬ 2022 ЙИЛ | №44 (2078)

www.xolisnazar.uz @xolis_nazar @xolisnazar

ДАВР ДАЪВАТИНИ ҲАР БИР РАҲБАР АНГЛАМОҒИ ШАРТ!



МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИДА 2022 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИ ВА КЕЛГУСИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ

2-саҳифада.

МОҲИЯТ

ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ



Энди «объективка»ни ҳар қим сўраб ололмайди, йиллик таътил муддати кўпайтирилади, дам олиш куни байрам кунига тўғри келса, у кейинги иш кунига кўчирилади, масофадан туриб ишлаш мумкин, уй ишчиларига стаж ҳисобланади

8

МАНЗАРА

ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР ИССИҚХОНА РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



«Агар кимдир кредитни тўлашга қийналиб қолса, бошқалар иссиқхона учун банклардан қарз олишдан чўчишади. Натижада соҳани ривожлантириш бўйича қилаётган ишларимиз оқсаб қолиши мумкин»

12

КЎЗГУ

ТЕЖАМКОРЛИК, АВВАЛО, ХАЛҚНИНГ ҚАЛБИДА, ТАФАККУРИДА БЎЛИШИ КЕРАК



Сўнги беш йилда юртимизда электр энергияси истеъмоли 20 фоизга, жумладан, аҳоли томонидан сарфланиши 31 фоизга ошган. Бу кўрсаткич йилига 6 фоиздан ўсиб бормоқда

15

ҲИСОБОТ

Мажлисида билдирилган барча таҳлилий ва танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ишлар янгича ташкил этилса, тизимдаги барча ходимлар эртанги кун учун, маҳалла фаолиятини такомиллаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш учун муносиб ҳиссасини қўшган бўлади.

Ҳар қандай амал эзгу ниятдан бошланади. 2022 йилнинг ўтган даврига назар ташлаб, эришилган натижаларни таҳлил этар эканмиз, ана шу ҳаётий ҳақиқатга яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Ҳўш, жорий йилнинг ортида қолган даврида маҳаллалар ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди? Йил бошида ният қилинган эзгу амаллар рўйида чиқдимми? Албатта, эришилган марраларни сарҳисоб қилиб қувонамиз, ютуқларимиз бизга янги куч, ғайрат-шижоат бағишлайди. Шу билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар, ечимини кутаётган масалалар ҳам борки, бу фаолиятимизни яна бир қарра чиғирқидан ўтказишни тақозо этапти.



Давр даъватини ҳар бир раҳбар англамоғи шарт!

МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИДА 2022 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИ ВА КЕЛГУСИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ БўЛИБ ЎТДИ

САРҲИСОБ: НИМАЛАРГА ЭРИШИЛДИ?

Ҳуқуқий асос қанчалик мустаҳкам бўлса, ислохотлар самараси шунчалик жадаллашади. Бу ҳақиқатни ўтган қисқа муддат ичида маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган 15 та қонун ҳужжати ишлаб чиқилгани, шундан Президентнинг 3 та, Ҳукуматнинг 4 та қарори қабул қилингани мисолида яққол кўриш мумкин.

Шу пайтга қадар маҳалла раисларининг ярмидан кўпи (58 фоизи) ўрта-маҳсус маълумотга эга бўлган бўлса, май-июнь ойларида ўтказилган сайловда уларнинг 95 фоизи (8 832 нафар) олий маълумотли, ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятига эга, фаол, ташаббускор бўлишига эришилди. Раисларнинг 67,1 фоизи (6 272 нафар) биринчи маротаба сайланди.

Ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори фаолиятини мувофиқлаштириш, баҳолаш, рағбатлантириш, улар устидан тақдимномалар киритиш бўйича маҳалла раисларига қўшимча ҳуқуқлар берилди.

Йил бошидан буён 56 та маҳалла ташкил этилди. Маҳаллаларда ташкил этилган «бешлик» фаолияти натижасида ижтимоий, иқтисодий, маънавий муҳит ўзгармоқда. Ҳоким ёрдамчилари кўмаги билан 1 миллион 880 минг нафар фуқаронинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди. Ёшлар етакчилари томонидан 14-30 ёшдаги 9,1 миллион нафар йигит-қиз ҳақидаги маълумотлар базаси шакллантирилди. Хотин-қизлар фаоллари кўмаги билан 81 250 нафар хотин-қиз тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилиб, 166 205 та иш ўрни яратилди, 153 767 нафарига 3 миллиард 85 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Профилактика инспекторлари сайёҳ-ҳаракати билан 4 558 та маҳалла (48,6 фоиз) да жинойат содир этилишига йўл қўйилмади.

2021-2022 йилга мўлжалланган Манзилли дастурга киритилган 2 951 та маҳалла мажмуаларидан 1 970 таси қуриб битказилди. Шунингдек, 512 та маҳалла биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди, 52 таси реконструкция қилинди, 515 таси жорий таъмирланди, 119 таси капитал таъмирланди, 951 тасининг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди. Мавжуд 9 370 та маҳалла фаолият юрифтаётган ва жойлашган биналари бўйича «Маҳалла биноси» паспортлари шакллантирилди.

ЮТУҚЛАР ЎЗИМИЗНИКИ, БИРОҚ...

Ютуқлар ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин асосий эътибор йўл қўйилган камчиликлар, ечимини кутаётган долзарб, устувор вазифаларга қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шу маънода ҳисобот йиғилишида соҳага доир камчиликлар рўй-рост айтилди, ечими бўйича таклифлар билдирилди, келгуси вазифалар белгилаб олинди.

Жумладан, сайлов ўтганига 3 ой бўлишига қарамай, 324 нафар (4 фоиз), жумладан, Андижонда 91 нафар, Наманганда 51 нафар, Хоразмда 34 нафар, Сурхондарё ва Фарғонада 27 нафардан, Тошкент шаҳрида 21 нафар маҳалла раислари ишдан бўшаган. Эътибор беринг, бўшаган раисларнинг 309 нафари (95 фоиз) олий маълумотли бўлган.

Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш талаб даражасида эмас. Шу кунгача тушган 19 170 та мурожаатнинг энг кўпи Тошкент шаҳри (16 фоиз), Қашқадарё (16 фоиз), Сурхондарё (15 фоиз), Самарқанд (14 фоиз) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Ачинарлиси, 585 та мурожаатни кўриб чиқиш муддати кўпол равишда бузилган. Мисол учун, Деҳқонобод туманида яшовчи Т-гурӯҳ ногирони Б.Зоирова-нинг мурожаати 45 кун, Избоскан туманида яшовчи фуқаро К.Ғофуровнинг мурожаати 48 кун кечиктирилиб, бажарилган.

Маҳаллани жинойатчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича ишлар тизимли йўлга қўйилмагани натижасида 3 095 та маҳаллада жинойатчилик ошган.

Йиғинларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш қоникорли ташкил этилма-япти. Жумладан, бугунги кунда 1 243 та (13 фоиз) маҳалланинг хизмат биноси йўқ. Бу кўрсаткич энг кўп Қашқадарёда 312 та, Тошкент вилоятида 153 та, Қорақалпоғистонда 117 та, Жиззахда 103 тани ташкил қилади.

Йиғилишда қайд этилишича, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастури доирасида 413 та маҳаллаларни обод қилиш бўйича аниқланган камчиликлар 3 маротаба танқидий муҳокама қилиниб, аниқ вазифалар кўрсатиб берилган бўлса-да, вазифалар ижросини таъминлаш бўйича маҳалла ходимларининг ўрни сезилмаётганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Бугунги кунда, 753 та маҳаллада аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш ҳолати оғир аҳволда, энг кўп муаммолар Миришкор, Сайхунбод, Мирзаобод, Музработ, Термиз, Узун, Шеробод, Шўрчи туманларида мавжуд. Худди шундай, 1 454 та маҳаллани кўмир билан таъминлашда муаммолар кузатилган. Энг ачинарлиси, 986 та маҳаллада яшовчи аҳоли тезақдан фойдаланмоқда. Айни ҳолат кескин танқид қилиниб, бевоқиф аҳолининг муаммолари билан ишлайдиган вилоят бошқармалари раҳбарлари ҳалигача ухлаб ўтиргани ёки ўз хизмат вазифасининг мазмун-моҳиятини тушуниб етмаётгани таъкидланди.

Президент томонидан 1000 та маҳалла биносини муқобил энергияга ўтказиш юзасидан берилган топшириқ бўйича фақатгина Самарқандда 10 та маҳалла биносига қуёш панеллари ўрнатилган. Худди шундай, ҳар бир маҳаллада ҳаммомларни ташкил этиш топшириғи берилган бўлса-да, бор-йўғи 190 та маҳаллада унинг ижроси таъминлан-

ган, холос. Бухоро, Тошкент, Фарғона вилоятларида бирор-та маҳаллада ҳаммом ташкил этилмаган.

Маҳалланинг даромад манбасини кўпайтириш мақсадида терак кўчатлари ва қаламчаларини экишда суғориладиган бўш ер майдонлари танлаб олинмагани ва парваришлаш тизимли ташкил этилмагани оқибатида терак кўчатларининг 3 миллиони (46 фоиз), қаламчаларнинг 37 миллиони (62 фоиз) қуриган. Жумладан, Бухорода 355 минг (78 фоиз), Қашқадарёда 435 минг (71 фоиз), Фарғонада 311 минг (58 фоиз), Хоразмда 293 минг (55 фоиз) терак кўчатлари кўкармаган.

Яна бир муҳим масала — «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасида 1 577 та, яъни 17 фоиз маҳалланинг аҳолиси бирорта лойиҳага овоз бермагани танқид қилинди. Аҳолини овоз беришга жалб қилишда Тошкент шаҳрида 7 фоиз, Қорақалпоғистон Республикасида 10 фоиз, Сирдарёда 19 фоиз, Андижонда 21 фоиз кўрсаткич қайд этилган, холос.

ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ?

Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида йиғилишда бир қатор вазифалар белгиланди.

Жумладан, 15 ноябрга қадар хизмат биносида муаммоси бўлган 2 327 та маҳаллада «бешлик» фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича Манзилли дастур ишлаб

чиқилади, 1 декабрга қадар 1 413 та маҳалла мебель жиҳозлари ҳамда 2 272 таси компьютер техникалари билан таъминланади. Ноябрь-декабрь ойларида «Яшил макон» умумийлиги лойиҳаси доирасида маҳаллаларда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, шунингдек, қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида терак кўчати ва қаламчалари экилади.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига киритилган 413 та маҳаллада амалга оширилган ишлар танқидий ўрганилиб, вилоят ҳокимлиги раҳбарлари билан биргаликда «оғир», деб топилган 696 та маҳаллада аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича Манзилли дастур ишлаб чиқилиб, вилоят ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

1 декабрга қадар ҳудудий бошқарма ва бўлимлар балансидаги биналарга қуёш панеллари ва қуёшли сув иситиш мосламалари ўрнатилади. 2023 йил 1 мартга қадар 2021-2022 йилларда қурилган, қуриладиган ҳамда капитал таъмирланган маҳалла биналарида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қуёш панеллари ва қуёшли сув иситиш мосламалари ўрнатилиши таъминланади. Жорий йил якунига қадар ҳар бир туман ва шаҳарда камида 10 тадан маҳаллада ҳаммомлар, 67 та туман (шаҳар)да «Нуронийлар масканлари» ташкил қилинади.

Қайд этилдики, мажлисида билдирилган барча таҳлилий ва танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ишлар янгича ташкил этилса, тизимдаги барча ходимлар эртанги кун учун, маҳалла фаолиятини такомиллаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш учун муносиб ҳиссасини қўшган бўлади. Бир ҳақиқат барчага равшан бўлиши лозим: бугун шиддат билан ривожланаётган замон ўз талабларини олдимизга жиддий тарзда қўймоқда. Мана шундай мураккаб шароитда, раҳбар сифатида ҳар бир масъул шахс мавжуд муаммоларни ақл-заковат, меҳнат ва ташаббускорлик билан ҳал этсагина халқимиз розилигига эришилади.

Санжар ИСМАТОВ
тайёрлади.

КУН НАФАСИ

Танловда биринчи ўринни Ғаллаорол туманидаги «Бахт» маҳалласи ёшлар етакчиси Бобур Нажмиддинов, иккинчи ва учинчи ўринларни мос равишда Оққўрғон туманидаги «Гулистон» маҳалласи ёшлар етакчиси Азамат Намозов ҳамда Бўзатов туманидаги «Қусханатов» маҳалласи ёшлар етакчиси Алишер Торемуратов банд этди.

Вазир оғир ҳудуддаги маҳалла ҳаёти билан танишди



Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири Турсинхон Худайбергенов Қашқадарё вилоятида бўлиб, оғир ҳудуд рўйхатида киритилган Қарши шаҳридаги «Тараққиёт» маҳалласи фаоллари, мутасадди ташкилот ва аҳоли вакиллари билан учрашиб, ҳудудда амалга оширилган ишлар билан танишди.

Учрашувда аҳоли розилигига эришиш масаласи асосий вазифа экани, бунда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлиги муҳимлиги айтиб ўтилди ва галдаги вазифа маҳалла инфратузилмасини яхшилаш экани таъкидланди.

Айтиб ўтиш керак, «Тараққиёт» маҳалласи «Арабхона» маҳалласининг иккига бўлиниши ҳисобидан 2022 йилнинг январь ойида ташкил этилди. Айтиш керак, маҳаллада 5 200 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

— Маҳалламизда 24 та кўча бўлиб, қишда лой, ёзда чанг бўларди, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Шухрат Ражабов. — Шу боис оғир ҳудудлар рўйхатида киритилган. Айтиш керак, маҳалладаги таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Шу кунга қадар 8 километр ички йўللار таъмирланди. Шундан 2

километри асфальт қилинди. Яна 5,5 километр йўлга шағал тўкилади. Асфальтлаш ишлари учун бюджет маблағлари ҳисобидан 2 миллиард сўм ажратилган. Шунингдек, маҳалламизга ташриф буюрган вазир Т.Худайбергенов «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси асосида мева ва манзарали дарахтлар экиш, ариқ бўйларига пидина, ялпиз кўчатларини ўтказиш бўйича ҳам аниқ топшириқлар берди.

Маҳалла ҳудудида 40 кунлик акция доирасида ҳар куни 70-80 дондан дарахт кўчатлари экиляпти.

Қайд этилган мурожатлар юзасидан масъуллар олдида аниқ вазифа ва муддат қўйилиб, ижроси назоратга олинди. Шу куни боқувчисини йўқотган, бир нафар ногиронлиги бор фарзанди бўлган оилага қорамол тақдим этилди.

Шоҳиста БОЗОРОВА.



Фидойи ёшлар етакчилари аниқланди

Пойтахтимизда маҳалла ёшлари етакчилари ўртасида «Фидойи ёшлар етакчиси» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

Ёшлар ишлари агентлиги, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган танловда ҳудудлардан сараланган 14 нафар энг муносиб маҳалладаги ёшлар етакчиси иштирок этди.

Маҳалладаги ёшлар етакчилари фаолиятини таҳлилий ўрганиш, етакчиларнинг билим-кўникмаси, ёшларни ортидан эргаштира олиши, фаолият давомида эришган натижалари ҳамда маънавий-маърифий соҳадаги амалга оширган тадбирларини баҳолашга қаратилган танлов беллашувларга бой бўлди. Бунда улар ўзларининг етакчилик фаолияти,

инновацион ташаббуслари, савол-жавоблар ҳамда маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасидаги 5 та муҳим ташаббус бўйича амалга оширган ишлари юзасидан беллашдилар.

Яқинда қизғин ва кўтаринки руҳда ўтказилган танловнинг республика босқичи ғолиблари аниқланди. Унга кўра, фахрли биринчи ўрин Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги «Бахт» маҳалласи ёшлар етакчиси Бобур Нажмиддиновга насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни мос равишда Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги «Гулистон» маҳалласи ёшлар етакчиси Азамат Намозов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги «Қусханатов»

маҳалласи ёшлар етакчиси Алишер Торемуратов банд этди.

— Ўтган қисқа вақт мобайнида уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, — дейди танлов ғолиби Бобур Нажмиддинов. — Натижада 30 нафардан зиёд ёш доимий иш ўрни билан таъминланди. Мазкур кўрик-танлов ўзаро тажриба алмашишимиз учун қулай муҳит яратди. Намунали иш жараёнларини ўзимизда татбиқ этишга келишиб олдик.

Танлов ғолибларига маҳалла кутубхонасини ташкил этиш учун нодир китоблар тўплами, замонавий ноутбук, ота-оналари учун сиҳаттоҳларга йўлланмалар тақдим этилди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«Экилган кўчатлар қуриб қолмайди»

Шу кунларда Навоий вилоятида янги маҳалла биноларининг фойдаланишга топширилиши, «Яшил макон» лойиҳаси доирасида маҳаллаларни боғу роғларга айлантириш ташаббуси авж палласида.

Навбахор тумани «Дул-дул» маҳалласи ҳудудидаги 5 гектар ерда 30 минг дон мева ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, боғ барпо қилинди. — Маҳаллада биз яшаймиз, фарзандларимиз, авлодларимиз яшашади, — дейди шу ерда яшовчи Мангуберди Иброҳимов. — Шундай экан, унинг гуллаб-яшнаши учун ўзимиз масъулмиз. Фойда кўрадиган ҳам бизлар. Шу боис туман Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, маҳалламиз фаоллари, ҳокимлик ва бошқа масъуллар бошлаган ишларга жим, четдан қараб туролмадик. Аҳоли бир тану бир жон бўлиб, «Яшил макон»

лойиҳасининг ҳудуддаги ижросини ҳашарга айлантириб юборди. Кимдир суғориш тизими учун қувур торган, кимдир ўра қавлаган, яна кимдир ўғит ташиган бўлди. «Кўпдан куён қочиб қутулмас» экан. Қарабсизки, 30 минг туп дарахтни ҳаш-паш дегунча экиб бўлдик. Томчилаб суғориш тизимларини тортдик. Эндиги масала кўчатларни ўрнашиб кетиши ва келажақда фарзандларимиз сайр қиладиган масканга айланишида қолди. Менимча, бу амалга ошадиган ният. Одамларимиз ўзлари эккан, меҳнати синган кўчатларнинг қуриб, қовжираб қолишига йўл қўймайди. Вилоятда янги маҳалла бинолари

қуриш, уларни қайта тикланувчи энергия манбаларига улаш — қуёш панелларини ўрнатиш ишлари жадал давом этапти. Кун кеча Қизилтепа туманидаги «Зиёкор» маҳалласининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Тадбирда вилоят Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи, туман ҳокими, масъул ташкилот раҳбарлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар бино маҳалла аҳолиси учун беминнат хизмат қилиши, эндиликда бу маҳаллаларда фаолият олиб бораётган ходимлар учун янада бир карра масъулият талаб этилишини таъкидлади.



ОММАВИЙ ҚАБУЛ

Қабуллар жараёнида сайёр тиббий кўрик ташкил қилинди, қатор мурожаатчиларга даволаниш учун йўлланмалар ажратилди. Айтайлик, Мўғол қишлоғида яшовчи Сарвар Бобожонов мурожаатидан сўнг унинг туғма ногиронлиги бор фарзандига бепул даволанишда амалий ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Давлатимиз раҳбари топшириғи асосида Президент Халқ қабулхоналари Зомин туманидаги Пешағор қишлоғида ташкил қилган навбатдаги очик мулоқотда, асосан, электр энергияси, газ, йўл, ичимлик сув, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларда мурожаатлар кўп бўлди.



Олис қишлоқда аҳоли муаммолари тингланди

202 НАФАР МУРОЖААТЧИНИНГ 237 ТА МАСАЛАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛИБ, УНИНГ 64 ТАСИ ЖОЙИДА ҲАЛ ҚИЛИНДИ, 4 НАФАР МУРОЖААТЧИГА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ ВА ТУШУНТИРИШ БЕРИЛГАН БЎЛСА, 169 ТА МАСАЛА БЎЙИЧА АНИҚ МУДДАТ ВА МАСЪУЛЛАР БЕЛГИЛАНИБ, НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Зоминнинг Бахматчой қишлоғидан қабулга келган Абдуқаном Искандаров, Раҳмон Каттабоев ва Худойқул Умаров бир масала – электр энергияси таъминотидаги муаммоларни ҳал қилишда амалий ёрдам сўрашди. Мазкур мурожаат асосида Бахматчойга янги, каттароқ қувватли трансформатор ўрнатиб берилди.

Мурожаатлар асосида Зоминнинг чекка-олис қишлоқларига суюлтирилган газ баллонлари тарқатилди. Ғўлба қишлоғи аҳолисидан бу борада келиб тушган мурожаатлар жойида кўриб чиқилиб, айрилган масалалар ҳал қилиб берилди. Бешкуби қишлоғидан қабулга келган Эгамберди Маматов қишлоқдошлари олдида хушхабар билан қайтмоқда. Дастурлар асосида қишлоқнинг 2,5 мингдан зиёд аҳолиси ичимлик сув билан таъминланганидан бўлди.

Пешағордаги оммавий қабулда «Гулшан» маҳалласида яшовчи Дилшодхон Зоиров, Ботирбой Нуралиев, Ойбек Назировнинг кредит ажратиш

билан боғлиқ муаммолари ҳал қилиб берилган бўлса, ўзини ўзи банд қилиб, даромад топишни истаган бир қатор мурожаатчиларга субсидия ҳисобидан пишириқ пишириш печлари ва тикув машиналари олиб берилди.

Айтайлик, Қорача қишлоғида яшовчи 2-гурӯх ногирони Насиба Жумановага маиший жиҳозлар олиб берилиб, келгусида уй-жойини таъмирлашга ёрдам берилганидан бўлди. Қўштоллик Гулчеҳра Ўрозбоевага аввалги қабулда субсидия асосида тикув машинаси ажратилган эди. Гулчеҳра қисқа вақтда ўзи каби ижтимоий ҳимояга муҳтож қишлоқ аёлларини бирлаштириб кооперация ташкил этибди, қўшимча иш ўринлари яратибди.

Мулоқотлар натижасида Давронбек Жалилов, Ғўзал Абулқосимова, Саодат Шойзоқова, Зилола Олишова, Жавоҳир Абдуллаев, Динара Жумабоева, Ғўзал Усарова сингари оғир ижтимоий аҳволдаги 23 та оила талаба фарзандларига контракт пуллари тўлаб берилиши

таъминланди.

Қабуллар давомида аввалги мурожаатлар таҳлили асосида белгиланган вазибалар ижроси мониторинг қилиниб, турли йўналишлардаги ишлар жадаллаштирилди. Дейлик, шу йил баҳорида юз берган кучли сел тошқинлари Пешағор ва унга ёндош ўндан зиёд қишлоқларнинг сув ўзанларидан тошиб, тўртта кўприкни ювиб кетган, оқибатда аҳолидан қатор мурожаатлар келиб тушган эди.

Президентимиз топшириғи асосида бу борада алоҳида ҳужжат қабул қилиниб, сел оқибатларини бартараф қилиш, инфратузилмани тиклаш бўйича зарур маблағлар ажратилди. Бугунга келиб, Пешағор ва Аччи қишлоқлари, Жиззах – Зомин автомобил йўлидаги тўртта кўприк янгидан қурилди, кўприк ўтказгичлари, кўтаргичлари мукамал таъмирланди. Сел ўзанлари тозаланиб, қирғоқлар мустаҳкамланмоқда.

Мўғол қишлоғида тегишли дастурлар асосида 11,4 км. ичимлик сув тармоғи

тортилиб, янги сув сақлаш резервуари барпо қилинмоқда. Бу билан Мўғолдаги 300 та хонадонга ободлик кириб боради, шунча аҳолини анча вақтдан бери ўйлантирган тизимли масалалар ҳал қилиб берилди.

«Оқтепа» маҳалласидаги кўчалар анчайин таъмирталаб бўлиб қолгани рост. Шу боис жорий йил аввалидаги ўрганишлардан сўнг бу масала тегишли дастурларга киритилиб, қарийб 2,8 км. масофага тенг 6 та кўчани асфальтлаш режалаштирилган эди. Айтилган бу кўчалар текисланиб, унинг тош-шағалли асоси бунёд қилинмоқда. Ҳадемай, тош-шағал устидан асфальт қопламаси тўшалади.

Ҳа, бу каби одамлар ҳаётида реал ўзгаришлар ясайдиган амалий ишлар ғоялари, аввало, халқ билан очик мулоқотларда пайдо бўлади. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан

мамлакатимиздаги 5 минг 280 дан зиёд, Жиззах вилоятидаги 159 та маҳалладаги йўл, сув, электр энергияси, газ, ижтимоий соҳа объектлари билан боғлиқ тизимли масалалар ҳал қилинади.

Қабуллар жараёнида сайёр тиббий кўрик ташкил қилинди, қатор мурожаатчиларга даволаниш учун йўлланмалар ажратилди. Айтайлик, Мўғол қишлоғида яшовчи Сарвар Бобожонов мурожаатидан сўнг унинг туғма ногиронлиги бор фарзандига бепул даволанишда амалий ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Президент Халқ қабулхонаси Зомин тумани Пешағор қишлоғида ташкил қилган навбатдаги оммавий қабулда 202 нафар мурожаатчининг 237 та масаласи кўриб чиқилиб, унинг 64 таси жойида ҳал қилинди, 4 нафар мурожаатчига ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилган бўлса, 169 та масала бўйича аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, назоратга олинди.

Мансур АБДУСАТТОРОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Тиббиёт пункти ўз фаолиятини бошлади



Аҳоли гавжум жойлар, маҳалла марказида тиббий пунктлар ташкил этилаётгани олис ва чекка ҳудудларда яшайдиган фуқароларга сифатли ва тезкор тиббий ёрдам олиш имкониятини яратяпти. Қувонарлиси, бизнинг Учқўрғон туманида босқичма-босқич маҳаллаларда тиббиёт пунктлари қурилмоқда.

«Озод» маҳалласи Янги-обод оила шифокорлик пунктдан 4 км. узоқликда жойлашган. Аксар вазиятларда бу маҳалла аҳолиси тиббий хизматдан фойдаланишда қийналишарди. Мана энди маҳаллада тиббий пункт иш бошлаши натижасида юқоридаги муаммога ечим топилди. Ташкил этилган барча қулайликларга эга бўлган «Тиббиёт пунктида» 1 нафар оила шифокори ва 4 нафар патронаж ҳамшира-

лардан иборат 1 та тиббий бригада аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Тиббиёт пунктида беморларни кўруви учун алоҳида, муолажалар учун алоҳида жиҳозланган хоналар мавжуд. Тиббий пункт аҳоли гавжум ва аҳоли келиши учун қулай жойга жойлашди. Шунингдек, «Янгиер – 2» оила шифокорлик пунктдан 6 км. узоқликда жойлашган «Ёғду» маҳалласида ҳам янги тиббиёт пункти иш бошлади.

«Тиббиёт пунктида» 1 нафар оила шифокори ва 2 нафар патронаж ҳамширалардан иборат 1 та тиббий бригада аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Беморларни кўруви учун алоҳида, муолажалар учун алоҳида жиҳозланган хоналар мавжуд.

Муҳиддин МАҲКАМОВ, Учқўрғон тумани Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

САРҲИСОБ

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлардан аҳоли мамнун. 2022 йил куз ва 2023 йил баҳор мавсумларида вилоят бўйича 6 млн. 82 минг манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экиш режалаштирилган. Шундан маҳаллалар ҳудудларига экиладиганлари 1 млн. 496 минг 800 тани ташкил этади.

Донишмандлар фикрича, босиб ўтилган йўлга қайта назар ташлаш, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш келажак учун пойдевор ҳозирлайди. Хўш, «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» да Тошкент вилояти Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан маҳаллалар ободлиги, оилалар фаровонлиги, ижтимоий-иқтисодий масалаларда қандай ишлар амалга оширилди? Одамлар розилигига эришилди? Бошқарма бошлиғи Бахтиёр БЕГМАТОВ шу хусусда гапириб берди.



Муаммоларнинг оқибати билан курашиш вақти ўтди



ИЛГАРИ ОДАМЛАР, АСОСАН, МАҲАЛЛАГА ИЖТИМОЙ ЁРДАМ СЎРАБ МУРОЖААТ ҚИЛГАН БЎЛСА, ЭНДИЛИКДА УЛАР БИЗНЕС ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ УЧУН КЎМАК СЎРАЯПТИ. ДЕМАК, ОДАМЛАРДА БОҚИМАНДАЛИК КАЙФИЯТИ ЙЎҚОЛИБ, ТАДБИРКОРЛИККА ИШТИЁҚ ОРТМОҚДА

ОҚИЛ ВА ОДИЛ РАИСЛАР НИМА УЧУН ЗАРУР?

Маҳалла тизимидаги ислорлардан кўзланган мақсад, энг аввало, тузилманинг халқ ва оилалар билан янада яқин бўлишига эришишдан иборатдир. Шу маънода бу йилги фуқаролар йиғинлари раислари сайловида асосий эътиборни одамлар орасида ҳурмат-эътиборга эга, тажрибали, фаол ва ташаббускор номзодларни саралашга қаратдик. Натижалар кутганимиздек бўлди: сайланган 1 020 нафар раиснинг **96 фоизи (977 нафар)** олий маълумотли, **4 фоизи (43 нафар)** ўрта-маҳсус маълумотга эга. Эътиборлиси **73 фоиз (745 нафар)** раис биринчи мартаба сайланди.

Бу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратмоқ керак: раис қанчалик жонкуяр, фидойи, адолатпарвар бўлса, ҳудудда амалга ошириладиган ишлар шунчалик тартибли бўлади. Буни биргина жамоатчилик назоратини таъминлашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти ошиб бораётгани мисолида кўриш мумкин. Шу маънода барча маҳаллаларда «Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия»лари тuzилди.

Ўтган давр мобайнида ҳудудларда жами **2 625 та** объектда жамоатчилик назорати ўрнатилди. Натижада давлат органларига **220 та** муурожаат ва сўровлар юборилиб, **204 та** ижтимоий-маиший муаммоларнинг бартараф этилиши юзасидан жамоатчилик мониторинги амалга оширилди. Бундан ташқари, **21 та** маҳалла ва **88 та** қишлоқда олиб бориладиган ободонлаштириш, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Одил ва оқил раисларнинг сайланишига яна бир зарурат шуки, Президент фармони билан уларга маҳалла ходимлари ишини мувофиқлаштириш, керак бўлса, уларни рағбатланти-

риш ёки жазолаш бўйича тақдимномалар киритиш ҳуқуқи берилган. Ўтган вақт давомида ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспектори фаолияти бўйича юқори турувчи ташкилотларга **76 та (жумладан, ҳоким ёрдамчисига нисбатан 27 та, хотин-қизлар фаолига нисбатан 13 та, ёшлар етакчисига нисбатан 32 та, профилактика инспекторига нисбатан 4 та) лавозимидан бўшатишгача бўлган интизомий чора кўриш** юзасидан тақдимнома киритилди, яна **260 та** ҳолатда рағбатлантириш бўйича тавсияномалар берилди.

МАҲАЛЛА – ХИЗМАТЛАР ВА СЕРВИС МАРКАЗИ

Инсон ҳаётда доимо яхши яшашни истайди. Оиласи тинч, дастурхони тўкин, фарзандларининг қорни тўқ, усти бут бўлса, ўзини бахтли санайди. Бунинг учун нима керак? Албатта, бу ҳолатда унинг бирор касб-ҳунарга эга бўлгани, бандлиги таъминлангани муҳим роль ўйнайди. Шу маънода «Маҳалла – хизматлар ва сервис маркази» тамойили асосида маҳаллалар ташаббуси билан **3 556 нафар** фуқаронинг бандлиги таъминланди. Айтиш керакки, бу жараёнда асосий эътибор «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турганларга қаратилди.

Шу ўринда яна бир фикр: «Тадбиркорлик билан шуғулланаман, уч-тўрт одамни, ҳеч бўлмаса, фарзандларимни иш билан банд қилиб, рўзғорга ҳам, жамиятга ҳам бирор наф келтираман», дея эзгу ишни бошламоқчи бўлган одамлар ораимизда кам эмас. Бугун фуқаролар йиғини ана шундай ташаббус эгаларига қанот бўлмоқда. Хусусан, ҳоким ёрдамчилари тавсияси билан аҳолига имтиёзли кредитлар ажратилапти, уларнинг тадбиркорлик билан боғлиқ бошқа

юмушларига кўмак кўрсатилаётир. Энг муҳими, илгари одамлар, асосан, маҳаллага ижтимоий ёрдам сўраб муурожаат қилган бўлса, эндиликда улар бизнес фаолиятини йўлга қўйиш учун кўмак сўраяпти. Демак, одамларда боқимандалик кайфияти йўқолиб, тадбиркорликка иштиёқ ортмоқда.

ШАРОИТ ЯРАТМАЙ, ТАЛАБ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ

Одамлар давлат ва ҳукуматдан рози бўлиб яшаши лозим! Бугун Ўзбекистонда ана шу мақсад оммавий широрга айланган. Бунинг учун, даставвал, аҳолига муносиб турмуш шартини яратиш керак. Айтиш керакки, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари айна мақсадга хизмат қилмоқда. 2022 йилда вилоятдаги **44 та** маҳаллада умумий қиймати **403,7 млрд. сўмлик** ишлар бажарилиши белгиланган бўлса, ҳозирда бу борадаги ишлар якунига етмапти.

Шу ўринда бир фикр: оммавий ташаббускорликдан ҳеч ким четда қолмапти. Ҳар ким қўлидан келганича, имкониятига қараб ободонлаштириш жараёнида иштирок этмоқда. Энг муҳими, элимизнинг бу ишлардан мамнун бўлганини айтмайсизми? Кимдир уйининг том қисми таъмирланганидан, кимдир девори янгиланганидан, кимдир чала ётган молхонаси ё товухонаси битказилганидан хурсанд.

Яна бир масала: тан олиш керак, бугун кўпгина маҳаллалар ўз биносига эга эмас, қайсидир давлат ташкилоти биносарида ижарада фаолият юритмоқда. Тошкент вилояти бу вазиятдан холи эмас: айна пайтда **153 та** маҳалланинг хизмат биносари йўқ. Кўриниб турибдики, маҳалла ходимларига зарур шарт-шароит яратмасдан туриб, улар ишини

ЖОНЛАНТИРИШ ҲАҚИДА СЎЗ ЮРИТИШНИНГ ИМКОНИ ЙЎҚ.

Буни тўғри тушунган ҳолда, маҳалла инфратузилмасини яхшилашга интиляпмиз. Хусусан, 2021-2022 йилги Манзилли дастурга кўра, жорий йилда **185 та (36 таси 2021 йилдан қолиб кетган, 149 таси 2022 йилги)** маҳалла биносари қурилиши белгиланган, шундан **68 таси** давлат-хусусий шериклик, **117 таси** маҳаллий бюджетнинг орттирилган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Жорий йилнинг 9 ойи давомида **30 та** маҳалла (Қуйи Чирчиқда **11 та**, Оққўрғонда **6 та**, Паркентда **4 та**, Пискент ва Оҳангаронда **3 тадан**, Юқори Чирчиқда **2 та**, Зангиотада **1 та**) биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида **21 та** маҳалла танлаб олинган бўлиб, ҳозиргача **3 та (Ангрен шаҳридаги Улуғбек номли ва «Боботоғ» ҳамда Тошкент туманидаги «Аҳиллик»)** маҳалла биносари таъмирлаш ишлари якунланди. **8 та** йиғин биноси ноябрь ойида фойдаланишга топширилади. Бироқ, афсуски, яна **8 та** маҳаллада ташаббускор тадбиркор аниқланмагани боис ишлар бошланмаган. Худди шундай, дастурлар бўйича **2 та** маҳаллада тадбиркорлар маблағи ҳисобидан «Маҳалла гузари» қурилиши режалаштирилган бўлса-да, улар ҳам ташаббускорлар йўқлиги сабабли тўхтаб турибди.

ЯНА ҚАНДАЙ ТАШАББУСЛАР БОР?

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлардан аҳоли мамнун. 2022 йил куз ва 2023 йил баҳор мавсумларида вилоят бўйича **6 млн. 82 минг** манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экиш режалаштирилган. Шундан маҳаллалар ҳудудларига экиладиганлари **1 млн. 496 минг 800** тани ташкил этади. Бугунга қадар **773 минг 700 дон** кўчатлар экилган бўлиб, улардан **150 минг 800 дон** фуқаролар йиғинлари ҳисобига тўғри келади. Энг муҳими, кўчатларнинг соғлом ўсишини таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада ишсиз ва эҳтиёжманд фуқаролар дарахт парвариши бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинмоқда.

Ўзига хос имкониятлар майдонига айланган лойиҳа – «Ташаббусли бюджет» жараёнининг иккинчи мавсумида вилоят бўйича **1 950 та** лойиҳа иштирок этиб, энг кўп овоз тўплаган **131 таси** ғолиб деб топилди. Уларга **87,5 млрд. сўм** маблағ ажратилди. Холислик нуқтаи назаридан айтиш керак, лойиҳа доирасида **1 000 та** маҳаллада таклифлар келиб тушган бўлса, **22 та** маҳалла ҳеч қандай таклифни илгари сурмаган, **213 та** маҳалла фуқаролари овоз бериш жараёнида иштирок этмаган.

Умуман олганда, бугун Тошкент вилояти маҳаллаларида иш қизғин, одамлар оғирини енгил қилиш, муаммоларига кўмакчи бўлиш, дардини олиш ҳар бир маҳалла ходимининг мақсадига айланган. Энди муаммоларнинг оқибати билан курашиш вақти ўтди. Уларнинг олдини олишга қатъий киришиш вақти аллақачон келган. Президентимиз таъкидлаганидек, энди қайси жойда раҳбарлар уйма-уй юриб, масалаларни ҳал қилса, уша жойда вазият ўзгаради. Бугун бу сўзлар йиғинлар фаолиятида дастуриламалга айланган.

Санжар ИСМАТОВ ёзиб олди.

САРҲИСОБ

Айни кунларда маҳаллаларда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси кенг жамоатчилик вакиллари жалб қилган ҳолда ўтказилмоқда. Бугунги кун ҳолатига лойиҳа доирасида жами 1 млн. 87 минг туп (режага нисбатан 19 фоиз) мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳамда қаламчалар экилди.

Йил якунлангани сари ҳар бир соҳада эришилган натижалар сарҳисоб қилинади. Шу маънода бугун Андижон вилоятидаги маҳаллаларда бажарилган ишлар, келгуси режалар белгилаб олинмоқда.



Самарадорлик яратилган шароитларга боғлиқ

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ ТОМОНИДАН ШУ ВАҚТГАЧА ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИГА НИСБАТАН 4 ТА, ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИГА НИСБАТАН 11 ТА, ЁШЛАР ҲАММАНДАРИГА НИСБАТАН 7 ТА ЛАВОЗИМИДАН БЎШАТИШГАЧА БЎЛГАН ИНТИЗОМИЙ ЧОРА КЎРИШ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФ БЕРИЛДИ

Жорий йилнинг ўтган даврида оила, хотин-қизлар ва кекса авлод вакиллари билан ишлаш тизимини юқори поғонага олиб чиқиш, маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, «маҳаллабай» ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга катта эътибор берилди.

«Бир нуруний — ўн ёшга масъул» тамойили асосида нурунийлар ишсиз, тарбияси оғир ва муаммоли ёшларга бириктирилди. Шу билан бирга, кексаларимизга ғамхўрлик кўрсатилиб, вилоятдаги 14 та ҳудудда «Нурунийлар маскани» барпо этилди. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари асосида 2022 йил давомида 8 та маҳалла биноси қурилиб, 2 таси капитал, 3 таси жорий таъмирланди, 47 та маҳалла мажмуалари барпо этилди.

Дастурлар доирасида 9 та йўналиш бўйича 370 млрд. сўм маблағ ажратилиб, 32 та маҳалладаги 431 та иншоотда муҳандислик-коммуникация тузилмасини ривожлантириш, қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш белгиланган эди. Бу маблағлардан 194,9 млрд. сўм республика бюджетидан (сув, йўл қурилиши учун), 93,1 млрд. сўм маҳаллий бюджетдан (ижтимоий соҳа), 30,8 млрд. сўм тармоқ корхоналари (газ, электр, оптик тола), 8,1 млрд. сўм ташаббускор тадбиркор ва аҳоли маблағлари, (дарахт экиш, ободонлаштириш), 9 млрд. сўм тижорат банклар

ри (савдо маиший хизмат кўрсатиш) ҳамда 34,1 млрд. сўм бошқа манбалар улуши ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган эди. Бугунгача 288,5 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилиб, 317 та иншоот фойдаланишга топширилди. «Ташаббусли бюджет»нинг 2-мавсумида вилоятимиздан 88 та ташаббус қилиб, деб топилди.

Президентимизнинг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 2022-2023 йилларга мўлжалланган маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2022-2023 йилларда 473 та маҳаллада қиймати 581,1 млрд. сўм (шундан 2022 йилда 222,1 млрд. сўм) миқдордаги жами 527 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланди.

Сир эмас, ислохотлар самарадорлиги жойларда аҳолига кўрсатилаётган эътибор орқали намоён бўлади. Шу сабабли барча маҳаллаларда фуқароларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш, мурожаатларга вақтида жавоб қайтаришга вақтида жавоб қайтаришга интиляпмиз. Жумладан, 283 та ариза ва шикоятларнинг 180 таси ижобий ҳал этилиб, 90 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 10 таси бошқа ташкилот ва муассасаларга юборилди. Бундан ташқари, Президент Виртуал қабулхонаси, Халқ қабулхонаси, сайёр қабуллар ва веб-сайтлар орқали келиб тушган 1 352 та мурожаатдан 1 046 таси ижобий ҳал этилиб,

306 тасига ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Бугун вилоятдаги 891 та маҳалланинг 799 таси (90 фоиз) алоҳида хизмат биналарига эга. Аммо 92 та (10,0 фоиз) маҳаллани идора билан таъминлаш муаммо бўлиб турибди. Уларнинг 65 таси ташкилотлар ва тадбиркорларга қарашли биналарда, 26 таси ижтимоий соҳа объектларида, 1 таси туман ҳокимлиги балансидаги биналарда вақтинча фаолият олиб бормоқда. Бу муаммони ҳал этиш учун 2021-2022 йилларга мўлжалланган манзилли дастур тасдиқланиб, 68 та маҳалла мажмуаларини барпо этиш белгиланган. Уларнинг 55 таси давлат-хусусий шериклик асосида ва 13 таси шаҳар ва туманларнинг маҳаллий бюджет маблағларининг қўшимча манбалари ҳисобидан қурилади.

Ҳозирда 21 та маҳаллада қурилиш ишлари олиб борилмоқда. 2022 йил давомида 11 та маҳалла биносини қуриш ва 4 тасини капитал таъмирлаш, 3 тасини жорий таъмирлаш белгиланган. 2022 йил бошидан буён вилоят бўйича жами 85 та маҳалла биноси жорий, 21 таси капитал ва 10 таси қисман таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Маҳаллалардаги 1 281 та компьютер жамланмасининг 216 таси яроқсиз ҳолатга келиб қолганди. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси 2021 йил ва 2022 йилнинг ўтган даврида 101 та компьютер ва принтер жамланмаларини олиб берди. 200 та маҳалладаги яроқсиз

мебель жамланмалари ўрнига 100 та мебель тўпламларини ажратди.

Албатта, ютуқлар билан бирга маҳаллаларни қийнаётган муаммолар йўқ эмас. Маҳаллаларда фаолият юритувчи ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича юқори турувчи ташкилотларга жами 22 та тақдимнома киритилди. Жумладан, ҳоким ёрдамчисига нисбатан 4 та, хотин-қизлар фаолига нисбатан 11 та, ёшлар етакчисига нисбатан 7 та лавозимидан бўшатишгача бўлган интизомий чора кўриш юзасидан таклиф берилди.

Вилоятдаги барча маҳаллаларда «Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия»лар тузилди, 2 359 та масканда жамоатчилик назорати ўрнатилди. Жамоатчилик назорати ўрнатилган жойлардаги ижтимоий-маиший муаммоларни бартараф этишда давлат органларига 285 та мурожаат ва сўровлар юборилди, 67 та очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этилди. Манзилли дастурга киритилган 32 та маҳаллада олиб борилаётган ободонлаштириш, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Ҳудудларда олиб борилган хатлов жараёнида 64 минг 186 та оила ижтимоий ҳимояга муҳтож, деб топилди, маҳаллий Кенгашларининг қарорларига асосан, «Темир дафтар»га

киритилган бўлса, 3 639 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди. 3 225 та оила «Темир дафтар»дан чиқарилди. 1 октябрь ҳолатига «Темир дафтар»да қолган оилалар сони 3 697 тани ташкил этади. «Аёллар дафтари»га эса 63 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қизлар 6 та тоифа бўйича киритилган. Бугун уларнинг 62 099 нафарининг муаммосига ечим топилди. Шунингдек, «Ёшлар дафтари»даги 18 577 нафар ёшларнинг 13 484 нафарига ёрдам кўрсатилиб, дафтардан чиқарилди.

593 та маҳаллаларда тадбиркорлик субъектлари томонидан 3 050 та янги иш ўринлари яратилди. Натижада 77 нафар «Темир дафтар», 147 нафар «Аёллар дафтари», 212 нафар «Ёшлар дафтари» ва 2 614 нафар бошқа ишсиз фуқаролар ишга жойлаштирилди.

Айни кунларда маҳаллаларда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси кенг жамоатчилик вакиллари жалб қилган ҳолда ўтказилмоқда. Бугунги кун ҳолатига лойиҳа доирасида жами 1 млн. 87 минг туп (режага нисбатан 19 фоиз) мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳамда қаламчалар экилди.

Бир сўз билан айтганда, Андижон маҳаллаларида бугун ислохотларга ҳамоҳанг тарзда бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Маҳаммаджон НИШОНОВ,
Андижон вилояти
Маҳалла ва нурунийларни
қўллаб-қувватлаш
бошқармаси бошлиғи.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

Иш қидираётган шахсларни ким рўйхатга олади?

Иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олиш:

қишлоқ жойларда — маҳаллий меҳнат органининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор ҳудудига, иш

қидираётган шахснинг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудига бириктирилган ходими томонидан;

агар иш қидираётган шахс маҳаллий меҳнат органи жойлашган аҳоли пункти ҳудудида яшаётган бўлса — ишсиз шахсларни ҳисобга

олиш, ишга жойлаштириш ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш сектори ходими томонидан амалга оширилади.

ЖАРАЁН

Фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 420 млн. сўмлик ҳомийлар маблағлари ҳисобидан замонавий компьютер жамланмалари ҳамда мебеллар тўплами олиб берилди. Барча маҳалла бинолари интернет тармоғига уланган.



Пискент тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари тумандаги 29 та маҳалла фуқаролар йиғини ва улар ҳудудида яшовчи аҳолининг дарду ташвиши, орзулар рўёби йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.



Ободлик «Оқтом»дан бошланяпти

2022 йилда «Оқтом» ва «Зоминувул» маҳаллалари «Обод қишлоқ» дастури доирасида ободонлаштирилмоқда. Туман инфратузилмасини ривожлантириш, ички йўлларни таъмирлаш ҳамда ичимлик сув муаммоларни бартараф этиш бўйича режали ишлар амалга оширилмоқда.

«Зоминувул» йиғинида жами 1 500 метр масофада ички йўллар асфальт қилинди, 2 100 метр масофада тоза ичимлик сув тармоғи ётқизибли, 70 дона электр таянч устунлари ўрнатилди, янги кабел тортиш жараёни бошланган. Қолаверса, 4 000 метр масофада янги оптик толалари алоқа тармоқлари тортилди. Кўчаларга чироқлар ўрнатилмоқда. «Қорасув-Бекобод» автомобиль йўлидан Сатторобод қишлоғигача бўлган йўлнинг 10 км. қисмида асфальт ётқириш ишлари бошланди. Яна бир қўлайлик — қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди. Бу билан зоминувулликларнинг оғири енгил бўлди. Ҳозирда 90 ўринли янги мактабгача таълим ташкилоти бино-иншоотини қуриш ишлари давом этмоқда.

Бундай кенг қўламли ишлар «Оқтом» маҳалласи ҳудудида амалга

оширилаётгани жуда қувонарли. Бу ерда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш дўконлари, давлат-хусусий шериклик асосида 100 ўринли боғча, қолаверса, оилавий мактабгача таълим ташкилоти ишга тушган. Бундан ташқари, янги автобекат фойдаланишга топширилиб, аҳоли узоғини яқин қилмоқда.

Шубҳасиз, маҳалла фаоллари ишининг самарадорлиги меҳнат шароитларига бевосита боғлиқ. 2021-22 йиллар мобайнида 3 та маҳалла биноси янгидан қурилди, 2 таси капитал таъмирланди. Айтилган 8 та йиғин биносида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 420 млн. сўмлик ҳомийлар маблағлари ҳисобидан замонавий компьютер жамланмалари ҳамда мебеллар тўплами олиб берилди. Барча маҳалла бинолари интернет тармоғига уланган.

Замонавий технология ва муносиб шароитлар иш самарадорлигини бир неча марта оширди, десам янглишмайман. Хусусан, тумандаги фуқаролар йиғинларида 300 нафар тарбияси оғир, маънавий

кўмакка муҳтож, уюшмаган, ишсиз, ажралиш ёқасига келиб қолган ёшлар мавжуд эди. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, «Бир нуроний — ўн нафар ёшга масъул» лойиҳаси асосида 30 нафар обрў-этиборли, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган фаол кексаларни ўша ёшларга бириктирдик. Натижада йил давомида жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар сонининг камайиши, ажралиш ёқасидаги оилаларнинг ярашиб кетишига гувоҳ бўлялмиш.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, яқка-ёлғиз кексалар, ижтимоий оғир аҳволдаги фуқаролар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмаклашиши ишлари жадал давом этмоқда. Шу билан бирга, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга кредитлар олишда кўмаклашиш, уларни иш билан таъминлаш, «Яшил макон» умуммиллий дастури доирасида туманимиз ҳудудини жаннатмакон боғларга айлантириш ташаббуслари кенг қўлоқ ёзган.

Ҳикматжон ИСАМУҲАМЕДОВ,
Пискент тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Мурожаатлар вақтида ҳал этилмас...

Булуғур тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими аҳоли розилигини олиш, одамларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш борасида самарали саъй-ҳаракатларни олиб бормоқда. Бу жараёнда, айниқса, мурожаатлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ҳар бир мурожаат у хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки бўлсин, доимо назоратда. Муаммолар ҳал этилганидан сўнг ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди. Унинг қайта вужудга келмаслиги устида иш олиб борилади.



Алишер ШОДМОНОВ,
Булуғур тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Тумандаги «Лалмикор» маҳалласи аҳолиси анча йиллардан буён йўлларнинг ёмонлиги, қишда лой, ёзда чанг бўлиб ётиши масаласида мурожаат йўллаганди. Маҳаллий ҳокимлик, тегишли ташкилотлар, ҳомийлар ёрдамида Тумшўқ қишлоғида 2 650 метр, Ҳурли бўстон қишлоғида 350 метр, Қўнғирот ва Мирзабулоқ қишлоғида 500 метр тупроқ йўл шағалланди. Бундан ташқари, Нурли бўстон қишлоғида 1 та артезиан қудуғи қазилиб, 135 та хонадонга тоза ичимлик сув тармоғи тортиб берилди. Тумшўқ қишлоғида врачлик пунктининг филиали ташкиллаштирилди.

«Хўжамазгил» маҳалласида яшовчи Жумабой Номозовнинг мурожаати асосида ҳудуддаги Фармонтепа қишлоғида 1 та янги трансформатор ўрнатилди. Чубот қишлоқ аҳолисининг мурожаатига асосан, асосий кўчалар, яъни 1 427 метр бетон қопламали йўллар қурилмоқда. Маҳалланинг Янгиқишлоқ деб аталувчи ҳудудида истиқомат қилувчи 32 та хонадон аҳолиси узоқ йиллардан буён ичимлик сув танқислигидан қийналишарди. Бу масалага маҳалла раиси О.Бурҳоновнинг ўзи ҳомийлик қилиб, ичимлик сув тармоғини тортишда бошқош бўлди.

Амалга оширилаётган ишлар кўлами катта. Тўғриси, уларни санаб, адоғига етиб бўлмайди. Масалан «Мирза



ариқ» маҳалласи аҳолиси мурожаатини олайлик. Улар йўлларнинг аҳволи юзасидан эътироз билдиришган эди. Натижада 850 метр йўл Давлат дастурига киритилиб, асфальтланди. Маҳаллада 50 ўринли хусусий боғча фаолият бошлади. Қишлоқ врачлик пункти ташкил қилинди. «Ниёзмат» йиғинида эса 2 200 метрга шағал тош тўкилди. Шу маҳаллада истиқомат қилувчи кам таъминланган ёлғиз аёлнинг хонадони таъмирлаб берилди.

Бўлимимиз ходимлари мурожаатлар вақтида ҳал этилмас, муаммолар катталашиб бораверади, деб ҳисоблайди. Шу боис мазкур масалага алоҳида эътибор билан қарайди. Ўйлайманки, халқ манфаати, розилиги йўлида қилаётган меҳнатларимиз ўз самарасини бериб, туманимиз янада ривож топади. Одамлар миннатдорлиги ошади.

БИЛАСИЗМИ?

Мақабларда ўқув йили давомидаги таътиллarning мuddатлари қуйидагича белгиланади:

- ☑ **кузги таътил** — 4 ноябрдан бошлаб 6 календарь кун;
- ☑ **қишки таътил** — 28 декабрдан бошлаб 14 календарь кун;
- ☑ **бахорги таътил** — 21 мартдан бошлаб 7 календарь кун;
- ☑ **ёзги таътил** — охириги босқичли назорат синови ўтказилган кундан бошлаб

1 сентябргача. Таътилни охириги кунни байрам (ишланмайдиган) кунга тўғри келиб қолган тақдирда, дарс машғулотлари кейинги иш кунидан бошлаб давом эттирилади. I синф ўқувчилари учун февраль ойи давомида қўшимча бир ҳафталик таътил белгиланади.

МОҲИЯТ

Ходимнинг, шунингдек, унинг оила аъзоларининг ҳаётидаги фактлар, воқеалар ва ҳолатлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар ҳимояси кафолатланмоқда. Содда қилиб айтганда, «менга фалон ходимингизнинг «объективка»сини телеграмдан ташлаб юборинг» қабилдаги сўровлар энди қонунан тақиқланади.



Шахсга доир маълумотлар ҳимоя қилинади

Ҳаётимизнинг кўп қисми иш, меҳнат билан ўтади. АҚШнинг дунёдаги нуфузли «Gallup» тадқиқот маркази маълумотларига кўра, одамлар ўз ҳаётининг 81,396 соатини ёки умрининг учдан бир қисмини иш учун сарфлайдилар. Инсон ҳаёти давомида энг кўп вақт сарфлайдиган ягона машғулоти, бу — ухлашдир. Қирқ ёшга тўлган ходим тулиқ иш вақти режимида, яъни кунига 8 соат, ҳафтасига 40 соат ишлаган бўлса, у умрининг 3,375 кунини ишхонада ўтказган бўлади.

ЭНДИ «ОБЪЕКТИВКА»НИ ҲАР ҚИМ СЎРАБ ОЛОЛМАЙДИ, ЙИЛЛИК ТАЪТИЛ МУДДАТИ КЎПАЙТИРИЛАДИ, ДАМ ОЛИШ КУНИ БАЙРАМ КУНИГА ТЎҒРИ КЕЛСА, У КЕЙИНГИ ИШ КУНИГА КЎЧИРИЛАДИ, МАСОФАДАН ТУРИБ ИШЛАШ ТАРТИБИ ҚОНУНЛАШТИРИЛДИ, УЙ ИШЧИЛАРИГА СТАЖ ҲИСОБЛАНАДИ

Шундай экан, иш жараёнида ходимларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг меҳнат қилиш, касб танлаш, адолатли ва хавфсиз шароитларида ишлаш ҳамда ишсизликдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланмоғи лозим. Зеро, Президент томонидан илгари сурилатган «Инсон қадр» ғояси замирида ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечириши учун унинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Барчамизга маълум, 2022 йил 28 октябрь куни давлат раҳбари «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунни имзолади. Шунинг қайд этиш керакки, ушбу кодексни ишлаб чиқиш ҳақидаги устувор вазифалар бир неча йил олдин, аниқроғи, 2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган эди. Орадан олти йилга яқин вақт ўтиб, ушбу кодекс қабул қилинди. Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан 6 ой ўтгач кучга киради.

Ҳўш, янги Меҳнат кодекси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қайси кафолатларни таъминлашни ваъда қилади, унда қандай янги мезонлар назарда тутилмоқда, қонунни амалиётга жорий этиш орқали нималарга эришиш мумкин?

Биринчидан, ходимнинг шахсга доир маълумотларини ҳимоя қилиш тартиби жорий этилди.

Меҳнатга оид муносабатлар сабабли иш берувчига тақдим этилган, ходимнинг, шунингдек, унинг оила аъзоларининг ҳаётидаги фактлар, воқеалар ва ҳолатлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар ҳимояси кафолатланмоқда. Бунда ходимнинг туғилган вақти, тугатган таълим муассасаси, ишлаган ташкилотлари, телефон рақами, уйлангани ёки турмушга чиққани, соғлиги ҳолати, қариндош-уруғлари ва шу каби бошқа ҳолатлар иш берувчи томонидан учинчи шахсларга қонунга зид тарзда тақдим этилиши мумкин эмас. **Содда қилиб айтганда, «менга фалон ходимингизнинг «объективка»сини телеграмдан ташлаб юборинг» қабилдаги сўровлар энди қонун тақиқланади.**

Иккинчидан, ходимларнинг йиллик асосий таътили муддатининг давомийлиги кўпайтирилиб, халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

Амалдаги Меҳнат кодексига асосан, йиллик асосий таътил муддати ўн беш иш кунини ташкил этади. Янги тартибга биноан, йиллик асосий меҳнат таътили давомийлигининг энг кам муддати йигирма бир календарь кунга этиб белгиланди ва халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Зеро, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисида»ги 1970 йилги конвенцияси 3-моддасида белгиланишича, «бир йиллик

иш учун бериладиган таътил миқдори ҳар қандай ҳолатда уч иш ҳафтасидан кам бўлмаслиги керак».

Учинчидан, дам олиш кунини байрам кунига тўғри келган тақдирда, у кейинги иш кунига кўчирилади.

Янги тартибга асосан, агар дам олиш кунини ишланмайдиган байрам кунига тўғри келиб қолган тақдирда, у байрамдан кейинги иш кунига кўчирилади. Янги Меҳнат кодексига асосан, тўққизта ишланмайдиган байрам кунлари мавжуд. Дейлик, 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини дам олиш кунини, яъни шанба ёки якшанбага тўғри келиб қолди. Бунда қонунда назарда тутилган дам олиш кунини 9 декабрьга сурилади. Қайд этиш жоизки, бундай тартиб илгари мавжуд эмас эди.

Тўртинчидан, аёлларга ҳомилани антенатал (туғруққача) парваришlash учун кўшимча бўш кунлар берилмоқда.

Иш берувчи ҳомиладор аёлларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида антенатал (туғруққача) парваришlash, яъни перинатал скрининг ва ташхис, мажбурий тиббий кўриклар ва бошқа мажбурий тиббий муолажалар учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда кўшимча бўш кунлар бериши шартлиги белгиланди. Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, бу «декрет», яъни ҳомиладорлик таътили саналмайди, ундан ташқари

бериладиган, иш ҳақи сақланадиган бўш кунлардир.

Бешинчидан, масофадан туриб ишлаш тартиби қонунлаштирилди.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, 2020 йилнинг биринчи чорагида глобал пандемия туфайли Европа ва Марказий Осиё минтақаларида иш вақтининг 3 фоизи (12 миллион иш ўрнига тенг) йўқотилган. Шунинг таъкидlash керакки, COVID-2019 пандемияси Ўзбекистонда масофавий меҳнатни қонун йўли билан тартибга солиш заруратини кўрсатиб берди. Янги Меҳнат кодекси асосида ахборот-телекоммуникация тармоқларидан, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш шартини билан иш берувчи ва ходим ўртасида масофавий меҳнат муносабатлари жорий этилиши мумкин. Масофадан туриб ишлаш тўғрисидаги меҳнат шартномаси электрон ҳужжатлар алмашинуви орқали тузилади.

Олтинчидан, уй ишчиларининг меҳнати ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди.

Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги кунда дунёда камида 67 миллион уй ишчиси бор, уларнинг 80 фоизи аёллардир. Бизнес ёки бошқа машғулоти билан банд бўлган шахслар ўзларининг кундалик маиший эҳтиёжларини қондириш мақсадида энага, ошпаз, боғбон, қоровул, оқсоч, ҳайдовчи каби уй ишчиларини ёллашга эҳтиёж сезмоқда. Янги тахрирдаги кодекс

айнан шу турдаги ижтимоий муносабатларни қонуний тартибга солди. Кодексга асосан, уй ишчиларининг ёлланиб ишлаш бўйича иш даврлари башарти ижтимоий солиқ тўланса, ходимнинг меҳнат стажига киритилади.

Еттинчидан, ходимларнинг ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиш тартиби аниқлаштирилди.

Жорий этилган тартибга асосан, ўзини ўзи ҳимоя қилиш мақсадида ходим ўз ҳаётига ва соғлиғига бевосита таҳдид солувчи ишни бажаришни, шунингдек, иш берувчининг талабига кўра меҳнат шартномасида назарда тутилмаган ишни бажаришни рад этиши мумкин. Бунда ходим ўзининг бевосита раҳбари ёхуд иш берувчининг бошқа вақилини ёзма шаклда хабардор қилиб қўйиши талаб этилади.

Масалан, ўқитувчининг меҳнат шартномасидаги асосий вазифаси таълим олувчиларга дарс бериш саналади. Иш берувчи ундан меҳнат шартномасида назарда тутилмаган пахта теримида чиқиш ёки тунги навбатчиликка туришни талаб қилмоқда. Янги Меҳнат кодексининг 531-моддасига асосан ушбу вазиятда ходим иш берувчининг ноқонуний талабини бажармасликка ва ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилишга ҳақли.

Мирёқуб РАҲИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети Меҳнат ҳуқуқи кафедраси доценти вазифасини бажарувчи.

РАКУРС

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти халқ таълими тасарруфида жами 1 275 та мактаб мавжуд бўлиб, уларнинг 856 тасида ошхоналар (шундан 472 та ошхона ва 384 та буфет) бор. Ошхоналарнинг 289 таси таъмирталаб ҳолатда бўлса, 419 та мактабда ошхона ёки буфет умуман мавжуд эмас.

Ҳар бир инсоннинг кундалик ва келажак режалари бўлади. Кунни қандай ўтказиш, қандай оилавий масалаларни ҳал этиши керак, фарзандлар келажagini таъминлаш учун нималарга эътибор бериш лозим ва ҳоказо. Айни ҳолатни давлат миқёсида оладиган бўлсак, дастурлар, «Йўл хариталари» орқали иқтисодий ривож, аҳоли фаровонлиги, ижтимоий ҳимоя, бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Хўш, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида мамлакатнинг асосий «Йўл харитаси» — Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси қай даражада бажарилди?



Давлат дастури ижросида нега сусткашликка йўл қўйилмоқда?

ҲОЗИРЧА ТЕГИШЛИ БАНДЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАМАГАН ИЖРОЧИЛАРГА ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛИШИ, БАЖАРИЛМАГАН ИШЛАР ҚАЧОН АМАЛГА ОШИРИЛИШИ НОМАЪЛУМ. БИРОҚ БИР НАРСА АНИҚ — ЖАВОБГАРЛИК ҚАТЪИЙ БЎЛМАСА, СУСТКАШЛИКЛАР ДАВОМ ЭТАВЕРАДИ, ИШЛАР ҲИСОБОТЛАРДА «БАЖАРИЛАВЕРАДИ», КЎЗБЎЯМАЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИБ БЎЛМАЙДИ

Куни кеча «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ҳузурида ташкил этилган **Мустақил мониторинг ва баҳолаш жамоатчилиги** гуруҳининг навбатдаги жамоатчилик муҳокамасида **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили» да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 9 ойлик ижроси бўйича муқобил ҳисобот** эълон қилинди. Ҳисобот вазирлик ва идоралар тақдим этган маълумотлар, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастурининг 9 ойлик ижроси юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига берган ҳисоботи, шунингдек, очиқ манбалар ва расмий эълон қилинган маълумотлар асосида таҳлил ўтказилиб, тайёрланди.

Айтиш керакки, Давлат дастури жами **398 та** банддан иборат бўлиб, унда **671 та** вазифани амалга ошириш бўйича аниқ муддатлар белгиланган. Шундан 2022 йилнинг **1 октябрь** ҳолатига **210 та** банд бўйича **342 та** вазифа амалга оширилиши кўзда тутилган бўлса, **258 та** вазифа ижроси таъминланган. Бу даврда 7 та қонун, Олий Мажлис палаталарининг 4 та қарори, 64 та Президент ҳужжатлари, Ҳукуматнинг 40 та қарори, 12 та идоравий норматив-ҳуқуқий ва 92 та бошқа тусдаги ҳужжатлар қабул қилинган.

ДАСТУРГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Ижобий ўзгаришлар билан бирга, ўз вақтида таъминланмаган бандлар ҳам мавжуд. Жумладан, Инновацион ривожланиш вазирлиги масъул бўлган ва **муддати март ойи** этиб белгиланган коронави

рус инфекциясига қарши янги авлод маҳаллий вакциналарни клиник олди синовларидан ўтказиш ва оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган.

Давлат дастури ижроси бўйича бир қатор вазифалар юзасидан кўзда тутилган қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилган бўлса-да, бугунги кунда кўриб чиқиш жараёнида бўлгани боис мазкур вазифалар тўлиқ бажарилмаган.

Ижро муддати келган (ўтган) **91 та** вазифа юзасидан ҳужжатлар лойиҳалари масъул вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда кўриб чиқиш ёки қабул қилиш учун тегишли идораларга киритилган, бироқ **ҳали-ҳануз қабул қилинмасдан турибди. Масалан, фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан маҳалла расисига нисбатан ишончсизлик билдириш тартибини жорий этишга қаратилган «Маҳалла тўғрисида» ги, ОАВларнинг роли ва журналистларнинг касбий фаолияти ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳалари шулар жумласидан.**

Қизиқ, ижрочи вазирликлар томонидан белгиланган лойиҳалар ишлаб чиқилиб, киритилган бўлса-да, нега юқори турувчи ташкилотлар сусткашликка йўл қўймоқда? Агар лойиҳаларда камчиликлар бўлса, уларни тузатиш учун имкон берилмайдими? Хуллас, ҳозирча бу лойиҳалар тақдири ноаниқлигича қолмоқда.

МАКТАБ БОЛАЛАРИ ҚАЧОНГАЧА КУТАДИ?

Давлат дастурининг айрим бандларининг ижроси бево-

сита жойларга чиққан ҳолда **жамоатчилик мониторингидан** ўтказилди. Хусусан, сентябрь ойи охирида Давлат дастурининг **211-бандига** мувофиқ, **Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тажриба-синов тариқасида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш** вазифаси жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Урганишлар давомида 1 октябрь ҳолатига жорий ўқув йилидан бошлаб **Хоразм вилоятида** кейтеринг усулида бепул овқат бериш **94 фоиз мактабларда йўлга қўйилган** бўлса, **Қорақалпоғистонда ҳали тендер танловларини ўтказиш давом этаётгани боис ушбу амалиёт ҳали бошланмаган.**

Бепул овқат билан таъминлашнинг ўз вақтида ташкил этилмаганига сабаб сифатида **Ҳукумат қарорининг кеч қабул қилингани** ва тасдиқланган таомномага мувофиқ, ҳар бир ўқувчига ажратилган маблағ миқдори тадбиркорларда кам қизиқиш уйғотганини келтириш мумкин. Шунингдек, маҳсулотлар сифати, уларни сақлаш ва санитария талабларига риоя этиш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд.

Яна бир муҳим жиҳат, бу — мактабларда зарур инфра-тузилма мавжуд эмас. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти халқ таълими тасарруфида жами 1 275 та мактаб мавжуд бўлиб, уларнинг 856 тасида ошхоналар (шундан 472 та ошхона ва 384 та буфет) бор. Ошхоналарнинг 289 таси таъмирталаб ҳолатда бўлса, 419 та мактабда ошхона ёки буфет умуман мавжуд эмас.

Президент ташаббуси ўлароқ, Давлат дастурига киритилган ва кўпчилик ота-

оналарни қувонтирган бепул овқатлантириш тизими билан боғлиқ юқоридаги ҳолатлар кишини ўйга толдиради, албатта. Хўш, масъуллар ташаббусни амалга оширишдан олдин мавжуд камчиликларни ўрганмаганми? Шошма-шошарлик қачонгача давом этади? Бир вақтда бошланган тажриба бир мактабда бўлсаю, бошқасида бўлмаса — қани адолат?

ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ЧАЛА ҚОЛЯПТИ

Репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда ҳудудларда бирламчи тиббий хизматни «бир қадам» тамойили асосида ташкил этиш доирасида белгиланган вазифаларнинг **Самарқанд вилоятидаги** ижроси ўрганилганда, бу борада қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Булар — Самарқанд туманидаги «Мотрид» маҳалласида оилавий шифокорлик пунктини ташкил этиш учун маҳаллий бюджетдан маблағ ўз вақтида ажратилмаган. Каттақўрғон туманидаги «Андоқ» маҳалласида ташкил этилган оилавий шифокорлик пункти июнь ойида таъмирдан чиқарилган бўлса-да, ҳозирга қадар

тегишли жиҳозлар ва тиббий анжомлар билан таъминланмаган. Пайариқ тумани Репродуктив саломатлик марказида қурилиш-таъмирлаш ишлари тендер танлови ўтказилмасдан туман ҳокимлигининг кафолат хати асосида амалга оширилаётир. Каттақўрғон ва Пайариқ туманларининг энг чекка ҳудудларида шифокорларни рағбатлантириш чоралари тадбиқ қилинмаган.

Давлат дастурининг **150-бандига** мувофиқ, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган. Бироқ Жиззах вилоятида 20 та, Навоийда 13 та, Қашқадарёда 13 та, Наманганда 12 та, Бухорода 11 та, Қорақалпоғистонда 8 та, Сирдарёда 8 та, Тошкент вилоятида 8 та, Андижонда 7 та, Сурхондарёда 7 та, Хоразмда 6 та, Тошкент шаҳрида 4 та, Фарғонада 4, Самарқандда 2 та банд бўйича вазифалар ўз вақтида бажарилмаган. Юқоридегилардан кўриш мумкинки, **Жиззах, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида** ҳудудий дастурлар ижроси **сусткашлик** билан олиб борилмоқда. **Самарқанд, Фарғона** вилоятлари ва **Тошкент шаҳрида** ҳудудий дастурлар ижроси **нисбатан яхши таъминланмоқда.**

Хуллас, умумий манзара шундай. Ҳозирча тегишли бандлар ижросини таъминламаган ижрочиларга қандай чоралар кўрилиши, бажарилмаган ишлар қачон амалга оширилиши номаълум. Бироқ бир нарсани аниқ — жавобгарлик қатъий бўлмаса, сусткашликлар давом этаверади, ишлар ҳисоботларда «бажарилаверади», кўзбўямачиликнинг олдини олиб бўлмайди. Бу жараёнда жамоатчилик назоратини ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга. Муқобил фикрлар ва қарашлар бўлмас экан, йил охирида ҳам Давлат дастурининг бажарилмаган бандларини санаб утираверамиз...

Санжар ИСМАТОВ.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

Гендер тенглик ҳақида сўз борганда, 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, мазкур қонун мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган яхлит ва асосий қонун ҳужжати ҳисобланади.

Гендер тенглик — нафақат инсон ҳуқуқини таъминлаш, балки жамиятни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи мезон. Қолаверса, гендер тенглик, бу — мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи индикаторлардан бири.



Аёл ҳуқуқи жамият тараққиётининг мезонидир

АФСУСКИ, МАЪЛУМ ВАҚТ ДАВОМИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАСАЛАСИ, АЁЛЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ, ОРЗУ-УМИДЛАРИ, ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ, МАВҚЕИ ФАҚАТ ТИЛДА ҲАМДА ҲИСОБОТЛАРДА ЁЗИЛИБ КЕЛИНАРДИ. ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗГА ФАҚАТ УЙ ЮМУШЛАРИ, РЎЗҒОР ЮРИТУВЧИ, ФАРЗАНД ТАРБИЯЛОВЧИ СИФАТИДА ҚАРАЛИБ, АЁЛЛАРГА МУНОСАБАТ ШУ БИЛАН ЧЕКЛНИБ ҚОЛИНАРДИ

Айтиш керакки, гендер тушунчаси фақат аёллар манфаатини ифодаламайди, балки ҳар икки жинс вакилларининг ўз орзу ва мақсадлари сари дадил одимлаши, ҳаёт сифатини ошириш учун бир хил имкон бериш кераклигини ифода этади. Айнан ривожланган жамиятнинг талабларидан бири эркак ва аёл ҳуқуқлари тенглигини таъминлашдан иборат. Шу боис азал-азалдан кишилик жамияти тарихида бу қадрият юксак эъзозланган.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратмоқ лозим, айни мавзу кўп йиллар давомида муҳокамалар, тортишувлар, мунозараларга сабаб бўлиб келган. АФСУСКИ, МАЪЛУМ ВАҚТ ДАВОМИДА гендер тенглик масаласи, аёлларнинг муаммолари, орзу-умидлари, жамиятдаги ўрни ва мавқеи фақат тилда ҳамда ҳисоботларда ёзилиб келинади. Бу одатий ҳолатга айланиб улгургани, десак муболаға бўлмайди. Аёлларимиз, айниқса, қишлоқдаги хотин-қизларимизни, асосан, пахта далаларида — меҳнатда кўриш мумкин эди. Хотин-қизларимизга фақат уй юмушлари, рўзгор юритувчи, фарзанд тарбияловчи сифатида қаралиб, аёлларга муносабат шу билан чекланиб қолинарди. Бошқарувда ёки раҳбарликка аёлларни тайинлаш жуда кам учрарди.

Ниҳоят мазкур соҳада муҳим ва долзарб қадам қўйилмоқда. Аниқроғи, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари тенглиги Конституциянинг 46-моддасида аниқ қилиб белгиланмоқда. Мазкур модда хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, бошқа соҳаларда тенг ҳуқуқ, имкониятларни таъминлайди ва мустаҳкамлайди. Бу жараёнда ҳеч бир аёлнинг муаммоси четда ва эътиборсиз қолмайди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил июнь ойида Олий Мажлис Сенатидаги нутқида шундай деган эди: «...бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак». Яъни сўз нафақат аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, балки хотин-қизларнинг алоҳида мақоми ва уларга нисбатан ҳурматини тиклаш ҳақида бормоқда.

Мана 5-6 йилдирки, гендер тенглик тамойиллари таъминланиб аёлларимиз жамиятнинг барча

соҳаларида фаол иштирок этиб, давлат ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бундай дейишимизга асослар бор, албатта.

Бугун Ўзбекистонда гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид 25 та қонунчилик ҳужжати қабул қилинди. Жумладан, ўтган йили 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди. Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ташкил этилди.

Ўзбекистон тарихида илк марта парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, қарий 32 фоизга етди ва дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди. Бошқарувда ҳам аёлларимиз сезиларли даражада кўпайди. Масалан, бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 27 фоизга, партиясарфарида 44 фоизга, олий таълимда 40 фоизга, тадбиркорликда 35 фоизга етди.

Алоҳида эътибор бериш керакки, хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар билан манзилли ишлаш мақсадида жорий этилган «Аёллар дафтари» тизими ўзини тўлиқ оқлади ҳамда аксарият аёлларнинг ҳаётида туб бурилиш ясади, десак хато бўлмайди. Бугун ана шу тизим орқали имтиёзли кредитлар асосида тадбиркорликни йўлга қўяётган, оиласини, рўзгорини бутлаётган аёллар ораимизда кам эмас.

Гендер тенглик ҳақида сўз борганда, 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, мазкур қонун мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган яхлит ва асосий қонун ҳужжати ҳисобланади.

Аксарият аҳоли қонуннинг узоқ йиллардан бери шаклланиб келган ва аёнага айланган урф-одатларга зид келиши, уларнинг илдизига болта уриши ва оилавий муносабатларга аралашиб, уларни издан чиқариши тўғрисидаги хавотирларини баён этгани сир эмас. Уларни хотиржам қилиш учун таъкидлаш лозимки, гендер тенглик масалалари қонун

қабул қилингандан кейингина пайдо бўлгани йўқ, бизда бу қоидалар муқаддас Куръон китобида мавжуд бўлиб, улар замонлар ўтиши билан шаклланиб янги ҳуқуқий атамалар пайдо бўла бошлади. Мазкур қонун фақат томонлар учун янги ҳуқуқлар ва имкониятлар тақдим этиш орқали муносабатларни мувозанатлаш имконини беради. Ундан фойдаланиш ё фойдаланмаслик, албатта, томонларнинг ўзларига ҳавола.

Дейлик, фарзанд дунёга келгач бериладиган таътил борасида қонунда шундай дейилган: «Бола туғилиши муносабати билан она ҳам, ота ҳам ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқига эга. Болани парваришлаш бўйича таътилни давомийлиги ота-онанинг ихтиёрига кўра улар ўртасида бўлиниши мумкин, бунда ота-она таътилдан уни қисмларга бўлган ҳолда фойдаланиши мумкин».

Яъни ота ва она ўзаро келишсалар, фарзандга навбатма-навбат қарашлари мумкин. Бу, масалан, сессия топширмақчи бўлган талаба қизлар, хорижга стажировкага кетиши лозим бўлган олимпиада аёллар, узоқ вақт меҳнат фаолиятдан узилиши натижасида малакасини йўқотиб қўйиши мумкин бўлган касб эгалари учун қатта имконият. Агар эр-хотин ўзаро келишиб шундай қарорга келсалар, қонун бунга қўллаб-қувватлайди ва ҳуқуқни амалга ошириш имконияти билан таъминлайди. Умуман олганда, қонун оилада, жамиятда турли иллатлар, аёна ниқоби остидаги ожизларга зулм, уларнинг ҳуқуқини топташ ҳолатларига қарши курашади.

Хулоса қилиб айтганда, аёлга имконият ва ваколат бериш, уни фаоллаштириш жамиятни маърифатли қилади. Аёллар маърифатли бўлса, комил ва баркамол фарзандларни вояга етказиши мумкин. Шу маънода жамиятда аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда таъминлаш борасида ислохотлар тизимли олиб борилаётгани, тенглик ҳуқуқи Конституцияда янада аниқроқ акс этаётгани, гендер тенглик соҳасида 25 дан ортиқ қонун ҳужжатларининг қабул қилингани инсон қадрининг, аёллар қадрининг юксалтиригидан далолатдир.

Наргиза ФАХРИДИНОВА,
Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири бош юристконсулти.

Гендер масаласида маҳалланинг роли қандай бўлади?

«Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасига кўра, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари:

☑ хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, эркаклар билан тенг равишда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

☑ бандлик соҳасида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга, шу жумладан, касаначиликни ташкил этишга, оилалар учун ижтимоий хизматлар тармоғини яратишга кўмаклашади;

☑ соҳага доир қарорлар, давлат дастурлари, миллий ҳаракатлар режалари ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

☑ давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, илмий муассасалар ва таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилади;

☑ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда иштирок этади;

☑ жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситилган шахсларнинг ҳуқуқларини давлат органларида ва судда ҳимоя қилишга кўмаклашади;

☑ соҳага доир қонунчилик ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

ХУКУҚ

Қайд варағи фуқаронинг турган жойида вақтинча рўйхатга олинганини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт ёки ID-карта, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаи ёхуд туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) тақдим этилган тақдирда, унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир.

2013 йилда пойтахтга вақтинчалик «прописка»га олиш тартиби бошланди. Шу вақтда кўпгина ҳужжатларни тўплаб, у ёққа югур-бу ёққа югурлардан зада бўлиб, наҳотки шуни электрон тартибда амалга ошириб бўлмаса, деб ёзғиргандик. 2018 йил ноябрь ойидан Ягона интерактив давлат хизматлари портали — «my.gov.uz» орқали Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга қўйиш хизмати тест режимида ишлай бошлади. Эндиликда мазкур тартиб оддий планшетлар орқали амалга оширилади.



Тошкентда «прописка»нинг янги тартиби синовдан ўтказилади

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТГАНЛИК УЧУН ДАВЛАТ БОЖИ МИҚДОРИ БҲМНИНГ 2 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ТОМОНИДАН МАХСУС ПЛАНШЕТ ЁРДАМИДА ВАҚТИНЧАЛИК РЎЙХАТГА ОЛИНГАНДА, ДАВЛАТ БОЖИ ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ ОРҚАЛИ ТЎЛНАДИ

ҚАНЧА ВАҚТДА РЎЙХАТГА ҚЎЙИШ КЕРАК?

Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 27 октябрда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишнинг тажриба-синов тариқасидаги янги тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ҳужжатга кўра, тегишли Вақтинчалик низом тасдиқланиб, фуқароларни пойтахт ва Тошкент вилоятида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби янада такомиллаштирилади.

Қарор билан фуқароларни вақтинча турган жойи бўйича махсус планшет қурилмалари орқали электрон рўйхатга олиш фаолияти **2022 йил 1 ноябрдан 2023 йил 1 сентябрга қадар** Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида тажриба-синов тариқасида ташкил этилади.

Вақтинча рўйхатдан ўтиш учун фуқаролар келган кунидан бошлаб **15 кун муддатда** ўз хоҳишига кўра, қулай манзилдаги **профилактика инспекторлари, Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиналари (МваФРБ), Давлат хизматлари марказлари (ДХМ)** ёки **Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХМ)**

томонидан амалга оширилади. Фуқаролар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида яшаш жойи бўйича мулкдорнинг аризасида ёки солиқ органларида ҳисобга олинган ижара шартномасида кўрсатилган, бироқ **бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга** вақтинча рўйхатга олинади. *Бунда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаганлик вақтинча рўйхатга олишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.*

Давлат хизматларини кўрсатганлик учун давлат божи миқдори «Давлат божи тўғрисида»ги қонунга асосан, **БҲМнинг 2 фоизини** ташкил этади. Фуқаролар профилактика инспекторлари томонидан махсус планшет қурилмаси ёрдамида вақтинчалик рўйхатга олинганда, давлат божи **электрон тўлов тизимлари** орқали тўланади.

ПЛАНШЕТ ОРҚАЛИ ҚАНДАЙ РЎЙХАТГА ҚЎЙИЛАДИ?

Вақтинчалик Низомга кўра, фуқаролар вақтинча рўйхатдан ўтиш учун профилактика инспекторларига мурожаат қилганда, **электрон шаклда қуйидаги ҳужжатларга асосан сўровнома** тўлдирилади:

☑ мулкдор ва вақтинча рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси;

☑ ўн олти ёшга тўлмаган шахслар учун — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

☑ Куролли Кучларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

☑ ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари;

☑ мулкдорнинг тураржой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

☑ уй-жой берган юридик шахсининг розилик хати;

☑ уй-жой ҳужжати (кадастр рақами, доимий рўйхат манзили).

Солиқ органларида ҳисобга олинган ижара шартномаси ҳақида маълумот тақдим этилганда, мавсумий иш билан шуғулланишга (қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) келган фуқаролар учун мавсумий иш ҳақида шартнома ёки мавсумий иш берувчининг аризаси бўлса, мулкдорнинг розилиги талаб этилмайди ва сўровнома вақтинча рўйхатдан ўтувчи фуқароларнинг мурожаатларига асосан, профилактика инспектори томонидан тўлдирилади.

Профилактика инспектори

томонидан сўровнома тўлдирилгач, текшириш учун **ваколатли орган** — Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига электрон тизим орқали юборилади. Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг, ариза берувчи уни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди. Электрон рақамли имзоси бўлмаган ҳолларда, шахсий имзо ёки идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

Текшириш натижасига кўра, ваколатли орган **QR-код билан ҳимояланган вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағини** профилактика инспектори планшетига электрон шаклда юборди. Профилактика инспектори қайд варағи олингандан сўнг уни шу куннинг ўзида фуқарога қоғоз шаклида тақдим этади. Фуқаронинг

сўровига кўра, қайд варағи фуқаронинг электрон манзилига юборилиши мумкин.

Қайд варағи фуқаронинг турган жойида вақтинча рўйхатга олинганини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт ёки ID-карта, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёхуд туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) тақдим этилган тақдирда, унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир. Қайд варағи йўқолган ёки ярқисиз ҳолга келган тақдирда, унинг дубликати расмийлаштирилиши мумкин.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча рўйхатга олинган фуқаро вақтинча рўйхатга олинган жойда яшаши керак. Талабаларни ётоқхоналарга вақтинча рўйхатга олиш ўқув муассасасининг ёзма розилиги асосида амалга оширилади.

Хуллас, ўз вақтида кўпчиликни сарсон қилган яна бир маъмурий тартиб соддалаштирилди. Бу, биринчидан, фуқароларга қулайлик яратса, иккинчидан, давлат ташкилотларида турнақатор навбатларнинг олдини олади. Асаббузарликлар, ҳужжат тўплаш билан боғлиқ югур-югурларга барҳам беради. Энг муҳими, энди уй эгасининг қош-қовоғига қараб, уни идорама-идора олиб юришга ҳожат қолмайди.

Санжар ИБРОҲИМОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Янги бино янги режаларга туртки



Зафаробод тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда иштирокчилар масъулларнинг самарали фаолият олиб бориши учун барча зарур шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

— Бирлик йиғини идораси учун бунёд этилган икки қаватли бино давлат-хусусий шерикчилиги асосида тадбиркорлик субъекти томонидан барпо этилди, — **деди туман ҳокими Уткирбек Раҳмонов.** — Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспектори, қишлоқ кутубхонаси, фуқароларнинг кутиш

зали ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун алоҳида хоналар ажратилган. Электр, сув таъминоти йўлга қўйилиб, интернет тармоғига уланди ҳамда индивидуал иситиш тизими яратилди. Шунингдек, идора атрофи ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари қадалди. Маҳалла аҳолиси яратилган қулайликлардан мамнун.

МАНЗАРА

Иссиқхона хўжаликлариди экспортбоп маҳсулот етиштиришга талаб этиладиган айланма маблағлар учун хорижий валютадаги банк кредитлари Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан йиллик 4 фоиз ставкада (шундан, банк маржаси 2 фоиз) ажратилади.

Куни кеча Президентимизнинг «Иссиқхона хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарор, айниқса, маҳалла раислари томонидан илиқ қаршиланини алоҳида эътироф этиш керак. Зеро, ҳудудларимизда ишсизликни бартараф қилиш, аҳоли турмуш даражасини муттасил ошириб боришда иссиқхоначилик алоҳида рол ўйнайди.



Янги имтиёзлар иссиқхона ривожига хизмат қилади

«АГАР КИМДИР КРЕДИТНИ ТЎЛАШГА ҚИЙНАЛИБ ҚОЛСА, БОШҚАЛАР ИССИҚХОНА УЧУН БАНКЛАРДАН ҚАРЗ ОЛИШДАН ЧЎЧИШАДИ. НАТИЖАДА СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚИЛАЁТГАН ИШЛАРИМИЗ ОҚСАБ ҚОЛИШИ МУМКИН»

НИМАСИ БИЛАН ЭЪТИБОРЛИ?

— Маҳалламизда тўрт минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди Риштон туманидаги «Чубургон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бунёдjon Мўминов. — Одамларимизнинг асосий юмуши — деҳқончилик. Тўғриси айтиш керак, туман марказидан узоқда жойлашганимиз сабаб саноат ривожланмаган. Хунармандчилик ҳаминқадар. Айримлар Риштон шаҳри атрофидаги кулолчилик ва трикотаж цехларига қатнаб ишлайди. Аммо бу аҳолини тўла иш билан таъминлаш учун етарли эмас. Кунлик ишга чиқадиганлар, усталар сероб. Айниқса, мева-сабзавот мавсумида йиғим-терим, қадоқлаш ишларида одамларимиз анча-мунча пул йиғиб олишади. Шунга

қарамай, кейинги йилларда иссиқхоначилик, лимончилик ривожланиб бормоқда. Бунинг учун одамларимизга кредитлар берилляпти.

Шу боис Президентимизнинг янги қарори тўғрисида эшитиб, дарров уни ўқиб чиқишга шошилдим. Зеро, маҳаллимиз аҳолисининг анчагина қисми иссиқхона барпо этиш учун кредитлар олган. Бундан ташқари, ҳудудимизда бир неча йирик иссиқхоналар фаолият юритади. Ҳаммаси кредитлар эвазига иш бошлаган. Мазкур хўжаликларда юзлаб одамларимиз иш билан таъминланяпти. Тўғри, улар даромадга киришяпти. Лекин, менимча, ҳали оёққа туриб олишлари учун етарли даражада эмас. Анчадан буён кредитларни қайтариш пайтида кўплаб муаммоларга дуч келишимиз мумкинлигидан ха-

вотирга тушардим. Қолаверса, агар кимдир кредитни тўлашга қийналиб қолса, бошқалар иссиқхона учун банклардан қарз олишдан чўчишади. Натижада соҳани ривожлантириш бўйича қилаётган ишларимиз оқсаб қолиши мумкин.

ҚАРОРДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

Президентимиз қарори раисларимизнинг юқоридаги хавотирларига барҳам берди. Зеро, унга кўра, иссиқхона хўжаликлари ва музлаткичли омборхоналарнинг иқтисодий жиҳатдан самарали ишлаши учун янада қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу каби мақсадлар учун ажратилган кредитларни қайтариш муддатлари умумий ҳисобда 14 йил этиб белгиланди. Имтиёзли давр 3 йилдан 5 йилгача

узайтирилади. Иссиқхона хўжаликларини айланма маблағ билан таъминлаш учун банклар томонидан 1 йил муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан кредит ажратиладиган бўлди. Бунда мазкур кредитлар Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига ажратилган бюджет ссудаси ҳисобидан молиялаштирилади.

Иссиқхона хўжаликлариди экспортбоп маҳсулот етиштиришга талаб этиладиган айланма маблағлар учун хорижий валютадаги банк кредитлари

Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан йиллик 4 фоиз ставкада (шундан, банк маржаси 2 фоиз) ажратилади. Энг муҳими, кредит бўйича тўловларни амалга ошириш, қайтариш муддатлари иссиқхоналарда ҳосилни йиғиб олиш ва сотиш муддатларига мослаштирилди.

Иссиқхона хўжаликларига табиий газ бўйича тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлик учун пеня суммаси 2022 йил 1 октябрдан 2023 йил 1 апрелгача, истисно тариқасида, ҳисобланмайди.

Шубҳасиз юқоридаги каби шароит тез орада соҳа янада ривожланишидан дарак беради. Демак, дастурхонимиз қишу ёз сархил сабзавотлар — помидор, бодрингу кўкатларга тўла бўлади. Экспорт салоҳияти ошиб, одамларимиз учун янги иш ўринлари барпо этилади.

У. ИБОДИНОВ.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

Ишдан бўшатиш нафақаси 200 фоизгача тўланади

Янги Меҳнат кодексига кўра, ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори мазкур иш берувчидаги иш стажига боғлиқ бўлади ва у:

- ☑ 3 йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун — ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;
- ☑ 3 йилдан 5 йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун — ўртача ойлик иш ҳақининг 75 фоизидан;
- ☑ 5 йилдан 10 йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун — ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан;
- ☑ 10 йилдан 15 йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун — ўртача ойлик иш ҳақининг 150 фоизидан;
- ☑ 15 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган ходимлар учун — ўртача ойлик иш ҳақининг 200 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Амалдаги Меҳнат кодексиди ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Иссиқхона ва инкубатордан ҳар куни фойда оласиз

Бухоро вилоятининг шаҳар ва туманларида алоҳида тоифаланган «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган меҳнатга лаёқатли ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида аҳоли томорқасида енгил конструкцияли иссиқхоналар ташкил қилиш концепцияси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.



Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Корея давлати андозасига мувофиқ, вилоятда жами 12 мингдан ортиқ 1 сотихдан 5 сотихгача, мингга яқин 1 сотихли майдонда енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиб берилди. Бунинг натижасида 6 минг нафарга яқин фуқаронинг бандлиги таъминланди, уларнинг даромади ошиб, оиласи фаровон бўлди.

— Йил бошида Туркия давлатидан 1000 дона инкубатор олиб келишни режалаштирган эдик, — дейди «Бухоро марказий таъминот томорқа хизмати» МЧЖ раҳбари Достонбек Исмаилов. — Дастлабки босқичда харид қилинган 775 та инкубатор вилоят шаҳар ва туманларида алоҳида ўрганилган ва кам таъминланган оилалардан 450 тасига паррандачилик тармоғини ривожлантириш мақсадида

берилди. Енгил конструкцияли иссиқхона, қолаверса, паррандачилик учун мини инкубатор таъминоти туфайли жорий йилда вилоятда 20 мингдан ортиқ оилани даромадли қилиш режалаштирилган.

Йил якунига қадар 10 000 та 4 млн. 40 минг сўмлик дугали иссиқхона, 14 000 та 550 минг сўмлик мини иссиқхона ва Туркия давлатидан 1000 та 1 800 000 сўмлик 112 та тухумга мўлжалланган инкубатор олиб келиш режалаштирилган. Томорқага самарали ишлов бериш мақсадида 2022-2023 йил 1 чорагига қадар 1 500 та мотокультиватор олиб келиш режалаштирилган бўлиб, намуна сифатида 3 турдагиси олиб келинди. Олиб борилаётган манзили ишларни назорат қилиш мақсадида кунлик назорат ўрнатилган.

Мафтуна ШУКУРОВА.

ВАЗИЯТ

Президент Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси ҳамда Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ваколатларини кучайтириш, ноқонуний ҳолатларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш бўйича вазифаларни ҳам белгилади.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, энди ҳокимлар кадастр ишига аралаша олмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни кузатиб бораётган юртдошларимизга маълумки, аслида, юқоридаги қарор асослари 2020 йилда қўйилган эди.



Ҳокимларнинг кадастр органлари ишига аралашishi тақиқланади

ҲОЗИРГА ҚАДАР РЕСПУБЛИКАДАГИ 40,5 МЛН. ГЕКТАР ЕР МАЙДОНИНИНГ ЭЛЕКТРОН ХАРИТАСИ ЯРАТИЛДИ ВА УЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР РАҚАМЛАШТИРИЛДИ

Жумладан, Президентнинг «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида бир қатор ўзгаришларга қўл урилганди. Унга кўра, қишлоқ хўжалиги ерларини ривожлантириш Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қайтарилиб, кадастр органларининг айрим ваколатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилган эди.

«БТИ»лар ўрнида янги орган — Давлат кадастрлари палатаси ташкил этилиб, уша йилиёқ кадастр органлари энди ҳокимга эмас, юқори турувчи органга бўйсунishi белгиланганди. Яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер

ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари негизда Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ташкил этилган. Уларнинг бошлиқлари Кадастр агентлиги директори томонидан лавозимга тайинланиб, лавозимдан озод этилади.

Эслатиб ўтамиз, 2020 йилга қадар «Давергеодезкадастр» қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ушбу қўмига, шунингдек тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига ҳисобот беради, уларнинг бошлиқлари эса «Давергеодезкадастр» қўмитаси раиси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланар эди.

Хусусан, 2020 йил қабул қилинган Президентнинг «Ер ҳисоби ва давлат

кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони кўра, янги интеграциялашган ахборот тизими ишга туширилиб, ҳозирга қадар республикадаги 40,5 млн. гектар ер майдонининг электрон харитаси яратилди ва улар тўғрисидаги маълумотлар рақамлаштирилди.

Куни кеча қабул қилинган Президент қарори асосида энди бу тартиб янада мустақамланди. Қарорнинг энг эътиборли жиҳати — **2023 йил 1 январдан** Кадастр агентлигининг ҳудудий тузилмалари фаолиятини ташкил этишни агентлик амалга оширади. Ҳудудий бошқарма ва бўлимлар фаолияти республика бюджетидан молиялаштирилади. Ҳокимларнинг ҳудудий бўлимлар, Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) филиаллари фаолиятига аралашishi ёки таъсир ўтказishi қатъиян

тақиқланади.

2023 йил 1 июлгача Кадастр агентлиги органларига тааллуқли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни «Е-та’мурий иш» тизими орқали электрон кўриб чиқиш имкони яратилади.

Қарор билан Кадастр агентлиги марказий аппаратида — Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси, Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармаларида — чегара масалалари бўйича бош мутахассис лавозими, Тошкент геодезия ва картография коллежида — Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази, «Геоинновация маркази» ДУК тузилмасида — қиёслаш ва калибрлаш лабораторияси, докторантура фаолияти, Фазовий маълумотлар соҳасида стандартлаш бошқармаси ҳамда Илмий тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ташкил этилади.

Янги ўзлаштирилган ерлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳулосасига мувофиқ, вилоят ҳокимлари қарорига асосан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига киритилади.

Шунингдек, қарор билан 2023-2026 йилларда Кадастр агентлиги фаолиятининг асосий прогноз кўрсаткичлари ва унинг моддий-техника базасини такомиллаштириш дастури тасдиқланиб, унга кўра агентлик 25 169 гектар ер участкаларини ўлчаб, уларнинг электрон хариталарини яратади.

Хўш, бу билан аҳолига қандай қулайлик яратилади? Қарорнинг афзал жиҳати шундаки, энди ҳар бир қарич ер тақсимоти қонун назоратида бўлади. Аввалгидек, айрим ҳокимлар томонидан ўзига қарашли ёки таниш-билиш орқали кадастр ҳужжатларини «енг ичида» ҳал қилиш имкони бўлмади. Содда тилда ифодаласак, ҳудудлар ҳокимларини тийиб туриш механизми яратилди.

Мақсадбек ФАЙЗ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ёшлар муаммоси «маҳаллабай» ўрганилмоқда

Андижон шаҳридаги «Кўшариқ», «Гумбаз», «Ербоши», «Жумабозор», «Қайрағочтаги», «Қаландархона» маҳаллаларида йиғин раислари раҳбарлигида ёшлар билан суҳбат ўтказилмоқда. «Маҳаллабай» ташкил этилаётган мазкур суҳбатларда йиғинларнинг ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ҳамкорлик қилишяпти.

Маълумот ўрнида, вилоятдаги маҳаллаларда жорий йилнинг бугунги кунига қадар жами 289 260 нафар ишсиз фуқаро ишга жойлаштирилди.

Шундан Андижон шаҳрида 24 017 нафар, жумладан, доимий ишга 9 494 нафар, мавсумий ишга 945 нафар, ўзини ўзи банд қилиш орқали 11 922 нафар,

тадбиркорликка жалб қилиш орқали 1 656 нафар ишсиз аҳолининг бандлиги таъминланди. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида 153 нафар фуқарога 1 млрд. 23,4 млн. сўмлик субсидия маблағлари ажратилган бўлиб, шундан 29 нафар ёшларга 249,4 млн. сўм (7 нафар ўғил, 22 нафари қиз) субсидия берилди.

Ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан, «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, тадбиркорлик қилиш истаги бўлган 1 988 нафар фуқарога 11 млрд. 265,6 млн. сўм субсидия маблағлари ажратилди. Шундан 4 993 нафар

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун жами 100,3 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари берилди. Жумладан, 1 480 нафар ёшларга ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 34,6 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Мухбиримиз.

ҲОЛАТ

Икки юз минг сўмлик банкнотларнинг олд қисми ўнг ва чап томони четида жойлашган яшил рангдаги махсус элемент кўриш қобилияти паст бўлган инсонлар учун мўлжалланган бўлиб, бўёқнинг бўртмалик хусусияти ҳисобига банкнот қийматини аниқлаш имконини беради. Қалбаки купюраларда бўртмалик хусусияти бўлмайд.

Шу кунларда яна қалбаки пуллар ясаш билан боғлиқ қатор воқеалар жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлмоқда. Жумладан, купюраларимизнинг янги дизайни муомалага кириши билан ҳали кўпчилик танишиб улгурмаган пулларнинг қалбакиси ясалаётгани тўғрисидаги хабарларга дуч келямиз. Хўш, қалбаки пуллардан қандай ҳимояланиш керак?



Сохта пулларни ҳақиқийсидан қандай ажратиш мумкин?

ҲАҚИҚИЙ КУПЮРАНИ БУККАНДА, ЖАРАНГ ДОРРОҚ ТОВУШ ЧИҚАДИ. КОЛАВЕРСА, БАНКНОТЛАРДА КЎК РАНГЛИ, «СИЛЖИШ» ЭФФЕКТИГА ЭГА БЎЛГАН МИКРООПТИК ҲИМОЯ ИПИ БОР. ШУНИНГДЕК, СЕРИЯ РАҚАМИ ЯҚҚОЛ КЎРИНИБ ТУРАДИ ВА БЎРТИБ ЧИҚҚАН ЖОЙЛАРИ БОР

ЯНГИ ПУЛЛАР ТЎҒРИСИДА...

Янги дизайндаги пуллар муомалага киритилганига бир неча ой бўлди. Бошида айрим фаоллар янги шакл пул қийматларини ажратишда муаммолар туғдираётгани, бу, айниқса, кўзи ожиз ва ёмон кўрувчилар учун чинакам дахмазага айланганини ёзишган эди. Адашишлар ҳамон давом этмоқда. Бу, айниқса, турли купюралар ҳажмининг деярли бир хилда экани билан боғлиқ. Шу сабаб фуқаролар пул тахламларини санашда адашиб кетаётганини айтишмоқда. Бундан ташқари, муомалада икки хил кўринишдаги пулларнинг мавжудлиги сохтафурушларни кўзга тикиш қўйган.

ҚАЛБАКИ ПУЛЛАР КЎПАЙИБ КЕТАЯПТИМИ?

Яқинда Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида кўп миқдордаги қалбаки купюраларни муомалага киритмоқчи бўлган бир гуруҳ шахслар ушланди. Улар Чирчиқ шаҳрида яшовчи бир нафар аёл ва икки эркак Бўстонлик туманида жойлашган дала ҳовлиларнинг бирини ижарага олган ва у ерда 100 ва 200 минг сўмлик Ўзбекистон миллий валютасини қалбаки усулда тайёрлаган. Қалбаки пулларни

Янгийўл шаҳар марказий бозорида ишга солишмоқчи бўлган. Аммо уларнинг қилмиши ҳушёр тадбиркорлар томонидан фош этилиб, ички ишлар ходимларига топширилган. Тинтув жараёнида улардан 26 млн. 200 минг сўмга тенг бўлган қалбаки купюралар ва рангли принтер далилий ашё сифатида олинган.

Умуман, кейинги пайтларда шу каби хабарлар кўпайиб қолган. Аввалроқ ДХХ қалбаки пуллар тайёрлаётган катта уюшган гуруҳни қўлга туширгани тўғрисида айтилган эди. Бу ҳолатда чирчиқлик фуқаро Бухорога бориб, 10 млн. 100 минг сўм миқдоридagi қалбаки миллий валютани 600 АҚШ долларига сотаётган вақтида қўлга тушган. Шундан сўнг, тезкор тадбир давом эттирилиб, унинг жиноий шериги — Гулистонда яшовчи шахс 600 АҚШ долларини қабул қилиб олган вақтида ушланди. Унинг уйида 2 млн. 150 минг сўм миқдоридagi қалбаки банкнотлар борлиги аниқланди. Суриштирув давомида пуллар аслида Андижон шаҳрида тайёрлангани маълум бўлди.

Бу ягона ҳолат эмас. Андижонда яшовчи шахс ўзининг «Damas» автомашинасида 3 млн. 200 минг сўм миқдоридagi 64 дона 50 минг сўмлик қалбаки

банкнотларни олиб кетаётганда ушланган. Сўнгра бу пулларни тайёрловчи яна бир фуқаронинг уйдан пул тайёрлашда керак бўладиган буюмлар ҳамда 14 млн. 550 минг сўм миқдоридagi қалбаки пуллар топилган. Жиноий гуруҳ шу вақтгача жами 300 млн. сўмдан ортик қалбаки пулларни Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида муомалага киритишга улгурган. Юқоридagi каби ҳолатларни яна айтиб бериш мумкин.

АЛДАНИБ ҚОЛМАЙ ДЕСАНГИЗ...

Тўғри, ҳуқуқ идораларининг қалбаки пулларга қарши курашувчи бўлимлари иши бугунги кунда жуда оғир. Зеро, илгарилари битта 10 сўмликни қалбакилаштириш учун тажрибали рассом талаб этилган бўлса, ҳозирда замонавий принтерларнинг кенг тарқалиши оқибатида ҳар қандай мактаб ўқувчиси сохта пул ясаш билан шуғулланиши мумкин. Октябрь ойининг охирида 200 минг сўмлик купюралар қалбакилаштирилган тўғрисидаги хабарлар кенг тарқалди. Хўш, «янги» сохта пулларни қандай аниқлаймиз?

— **Биринчидан, кўча-кўйда, бозорлар ва магазинларда нақд пуллар билан муомала қилинганда купюрани букиб тортганда**

овозидан билиш мумкин, — дейди Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош марказининг бош эксперти Ойбек Юсупов. — Умуман, сохта пулларни ҳақиқийсидан ажратишнинг усуллари кўп. Ҳақиқийсидан жарангдорроқ товуш чиқади. Бунда, албатта, купюра сувга тушмаган ва эскирмаган бўлиши керак. Иккинчидан, банкнотларда кўк рангли, «силжиш» эффектига эга бўлган микрооптик ҳимоя ипи бор. Учинчидан, серия рақами. У яққол кўришиб туради ва бўртиб чиққан жойлари бор. Қалбакиларида ундай эмас.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:
қўлингиздаги нақд пулларнинг ҳақиқийлигидан шубҳа қилган тақдирингизда уни бошқа бировга ўтказиб юборишга ҳаракат қилманг! Зудлик билан ички ишлар ходимларига хабар беринг!

ОДАМЛАР НИМА ДЕЯПТИ?

Албатта, бу ҳолатни ҳозир жамоатчилик қизгин муҳокама қилмоқда. Одамлар сохта пулларни ажратиб олишнинг турли «қўлбола усуллари» тўғрисида гапиришмоқда.

200 минг сўмлик қалбаки

купюранинг марказий қисмидаги машҳур Кува анорининг рамзи бўлган «анор» тасвири ҳамда Ўзбекистон номининг халқаро аббревиатураси ёзилган микрооптик ҳимоя ипи оддий ранг билан бўялгани кўринади. Агар ўша тасвирлар тирноқ билан ишқаланса, бўёқ кўчиши жузатлади. Лекин кўпчилик бу жиҳатга эътибор беравермайди. Айниқса, муомала жараёнида боғлам ҳолатида ичида бўлган қалбаки пулларни пайқаш қийин.

Бундан ташқари, икки юз минг сўмлик банкнотларнинг олд қисми ўнг ва чап томони четида жойлашган яшил рангдаги махсус элемент кўриш қобилияти паст бўлган инсонлар учун мўлжалланган бўлиб, бўёқнинг бўртмалик хусусияти ҳисобига банкнот қийматини аниқлаш имконини беради. Қалбаки купюраларда бўртмалик хусусияти бўлмайд.

Шунингдек, ультрабинафша нури остида нақшинкор безакнинг яшил рангли фониди «UZB 200000 SO'M» сўзини қизил рангда кўришимиз мумкин.

Демак, юқориди келтирилганларимиз сохтафурушлар муомалага киритиб улгурган қалбаки пуллар йиғиштириб олинганча эҳтиёт бўлишни тавсия этамиз.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«Оналар боғи» ташкил этилди

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида Хўжайли туманидаги Жанажап овул фуқаролар йиғини ҳудудида «Оналар боғи» барпо этилди.



Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси мутасаддилари, «Оқила аёллар» ҳаракати аъзолари, овул фуқаролар йиғинидаги нуруний онахонлар, фаол хотин-қизлар иштирок этди.

Дастлаб хотин-қизларни ўзи яшаётган маҳаллани обод қилиш,

кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирокини таъминлаш мақсадида манзарали ва мевали дарахт, гулларнинг ниҳол ва кўчатларини етиштириш, экиш ва парвариш қилиш бўйича кўргазма намойиш этилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан 2 гектар майдондаги «Оналар боғи»га мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Боғда экилган ҳар бир кўчатни

парвариш қилиш, ўз вақтида суғориш бўйича масъулар тайинланди, зарур тавсиялар берилди.

Мазкур ташаббус бошқа маҳаллаларда ҳам давом эттирилиши режалаштирилган. Жумладан, ана шундай «Оналар боғи» Нукус туманидаги Саманбай овул фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам ташкил қилинди.

Ғулом ХИДИРОВ.

КЎЗГУ

Президент Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси ҳамда Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ваколатларини кучайтириш, ноқонуний ҳолатларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш бўйича вазифаларни ҳам белгилади.

Энергия тақчиллиги, талабнинг жуда баланд экани ва таъминот занжирларининг узилиши оқибатида дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қишда иссиқлик ва ёруғлик танқислиги муаммосини қандай ҳал этиш устида бош қотирмоқда. Ҳозирдан Европанинг йирик шаҳарларида кўча чироқларини ёқишмаяпти. Масалан, сентябрь ойидан буён Парижда Эйфилъ минорасини тунда ёритиб турувчи чироқлар ўчирилган. Испанияда энергия учун комендантлик соати белгиланди. Унга кўра, барча дўконлар, савдо марказлари тунги соат 22:00 гача ишлашлари мумкин. Сунгра чироқларни буткул ўчириб, фаолиятни тўхтатиши шарт. Шимолий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари анча йиллардан буён унутилган ўтин ва кўмирдан фойдаланиш бўйича халққа тушунтиришлар берапти. Қандай печ ёқилгани тежаш, қайсиниси ис гази ва ёнғин чиқиши, хавфсизлиги тўғрисида кўрсатувлар тайёрланмоқда. Умуман, шу ва шунга ўхшаш тежаш лойиҳалари қитъанинг деярли барча давлатларида жорий этилди.

Тежамкорлик, аввало, халқнинг қалбида, тафаккурида бўлиши керак



СЎНГГИ БЕШ ЙИЛДА ЮРТИМИЗДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛИ 20 ФОИЗГА, ЖУМЛАДАН, АҲОЛИ ТОМОНИДАН САРФЛАНИШИ 31 ФОИЗГА ОШГАН. БУ КЎРСАТКИЧ ЙИЛИГА 6 ФОИЗДАН ЎСИБ БОРМОҚДА

«ТЕЖОҒЛИҚНИНГ ИШИ БЕЖОҒЛИҚ»

Майли, ривожланган мамлакатлар ҳақсиз бойлиги, технологиялари, ҳамкорлари ва тартибли халқи кўмагида муаммоларини ўзлари ҳал қилиб олишар. Хўш, бизда-чи, қиш яқинлашиши билан тежамкорлик масаласи яна бўй кўрсатади. Шукрки, мамлакатимизда ҳали йирик шаҳарлардаги кўча чироқларини ўчириш даражасида энергетик тақчиллик йўқ. Аммо «тежоглиқнинг иши бежоглиқ», деб бекорга айтишмайди. Шу боис куз-қиш мавсумида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш ва бир маромда етказиб бериш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

— Маълумки, иқтисодий тармоқлари ривожланиб, турмуш даражаси яхшилангани сари энергияга талаб ошиб боради,

— дейди Энергетика вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Эльмира Бекмуродова. — Сўнгги беш йилда юртимизда электр энергияси истеъмоли 20 фоизга, жумладан, аҳоли томонидан сарфланиши 31 фоизга ошган. Бу кўрсаткич йилига 6 фоиздан ўсиб бормоқда. Энергия ишлаб чиқариш изчил ривожлантирилмоқда, бунга кўшимча сув, қуёш, шамол энергетикаси станциялари барпо этилмоқда. Шу билан бирга, электр энергияси ва табиий газ сарфини ҳисоблаш тизими тартибга келтирилди. Эндиги муҳим вазифа — бу неъматни қадрлаб, тежаш, ундан ўз ўрнида фойдаланишдан иборат.

Мутасаддилар бу борадаги таклифларни баён этишяпти. Хусусан, саноат корхоналарида иш жараёнини оптималлаштириш, энергия ишлаб чиқариш

технологиясини модернизация қилиш, қозонхоналарни янгилаш ва таъмирлаш, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига табиий газ ва электр энергиясини 10 фоизгача қисқартириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари бу масала йилдан-йилга долзарб бўлиб бораётгани, шунинг учун ҳамма соҳа ва ҳудудларда энергияни тежашга ўрганиш кераклигини таъкидлаб келади. Бу пировард натижада халқимизни энергия манбалари билан узлуксиз ва барқарор таъминлашга хизмат қилади.

МАҲАЛЛА ИДОРАЛАРИ ТЕЖАМКОРЛИК ТАРАФДОРИ

Юқорида айтганимиздек, кўплаб давлатларда энергия сарфини тежаш ва аҳоли хонадонларида иссиқлик ҳароратини мўтадиллаштириш чоралари

кўриляпти. Юртимизда бу борада ижобий тажрибалар йўқ эмас. Масалан, Наманган ва Сирдарё вилоятларида қишларни ёритиш тизимидан оқилона фойдаланиш ҳисобига бир ҳафтада 50 минг киловатт-соат ёки 14 фоиз электр энергияси тежалаётир. Шу боис Президентимиз мутасаддиларга ҳудудларга чиққан ҳолда, энергияни тежаш бўйича кўшимча имкониятларни излаш вазифасини қўйган.

Ижтимоий соҳа муассасаларида энергия самарадорлигини ошириш, қуёш панелларидан фойдаланишни кенгайтириш масаласида ишлар жадал давом этмоқда. Бугун юртимиздаги кўплаб маҳалла идораларида қуёш панеллари, қуёш энергияси ёрадмида сув иситиш мосламалари ўрнатилмоқда.

Куни кеча Президент Шавкат

Мирзиёев энергия тежаш соҳасида олиб борилаётган ишлар билан танишганида қайта тикланувчи энергия манбаалари мавзусига алоҳида тўхталиб ўтгани бежиз эмас. Бундан ташқари, Президент Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси ҳамда Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ваколатларини кучайтириш, ноқонуний ҳолатларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш бўйича вазифаларни ҳам белгилади.

Бизнинг-ча, тежамкорлик, аввало, аҳолининг қалбида, онгида бўлиши керак. Зеро, мамлакат бозор иқтисодиёти шароитларига шиддат билан ўтиб бормоқда. Бунда эса ҳар бир киловаттнинг ҳисоби бор.

У. ИБОДИНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Вилоят ҳоқими маҳаллада сайёр қабул ўтказди

Сурхондарё вилояти ҳоқими Тўра Боболов Олтинсой ва Бандихон туманларидаги маҳаллаларда бўлиб, аҳоли билан учрашди, фуқароларнинг мурожаатларини тинглаш ва ҳал этиш мақсадида сайёр қабуллар ўтказди.

Олтинсой туманидаги «Бибизайнаб» маҳалласида ташкил этилган қабулда 56 нафар фуқаро 81 та турли масалаларга оид муаммолари билан вилоят раҳбарига мурожаат қилди. Мурожаатларнинг 26 таси шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди, 55 та масала ижроси мuddат ва маблағ талаб қилгани боис кўшимча ўрганиш ва ҳал этиш учун масъулларга йўналтирилиб, назоратга олинди.

Қабулда иштирок этган «Халқобод» маҳалласида яшовчи Ражаб Тошбоев ўғли Амрилло Тошбоевнинг соғлигини тиклаши учун ёрдам

сўради. Тўрт нафар фарзанднинг отаси бўлган 42 ёшли беморга жигар кўчириш амалиётини ўтказилиши билан боғлиқ масалаларни қисқа мuddатда ҳал этиш бўйича вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига тегишли кўрсатмалар берилди.

Бир гуруҳ аёллар «Бибизайнаб» маҳалласидаги иккита кўчада электр тармоқлари қўлбола тортилгани, электр энергияси тез-тез ўчаётганини билдиришди. Ушбу масалани зудлик билан ўрганиш, янги электр тармоқларини замонавий электр симлар билан тортиш ва бетон устунлар ўрнатиш бўйича масъулларга топшириқлар берилди.

Бандихон туманидаги «Чинор» маҳалласида бўлиб ўтган учрашувда вилоят ҳоқими 63 нафар фуқаронинг 74 та масаладаги мурожаатларини қабул қилди. Уларнинг 22 таси шу ернинг ўзида ижобий ҳал

этиб берилди.

Вилоят ҳоқими «Бирдамлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Комил Эргашевнинг 1 км. сув қувири тортиб беришда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати юзасидан масъулларга тегишли кўрсатмалар берди.

Сайёр қабулга бир эмас, икки масала бўйича мурожаат қилган Зулайхо Бобомуродова эътибордан миннатдор. Боиси эндиликда у яшайдиган «Обод турмуш» маҳалласи Тинчлик кўчасига 2 км. ичимлик сув қувири тортилади ва кўчанинг 1 км. тупроқ йўллари тош-шағал билан қопланади.

Шунингдек, Қумқўрғонлик спорт мураббийси Иброҳим Маматраимовнинг шогирди Роҳатой Банатованинг жорий йил 1-2 декабрь кунлари Индонезиянинг Жакарта шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида бориб-келиш харажатлари учун 15 млн. сўм маблағ ажратишни

сўраб қилган мурожаати ҳам ижобий ҳал этилди.

Фуқаролар мурожаатларини жойига борган ҳолда ўрганиш, қонуний мурожаатларнинг ечимини топиш мақсадида вилоят ҳокимининг жойлардаги сайёр қабуллари давом этади.

С.ИБРОҲИМОВ.



Тошкент вилояти Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси жамоаси бошқарманинг Инсон ресурслари бўйича бош мутахассиси Барно Хамитовага онаси


Муқаддам ая ХАМИТОВАнинг

вафоти муносабати билан ҳамдарлик билдиради.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Бу ҳолатда кимга ишонишга ҳам ҳайронсан киши. Талаба ўзининг ўқишдаги дангасалиги учун айбни устозларга ағдараётган бўлсачи? Зотан, шунга ўхшаш ҳолатларга кўп гувоҳ бўламиз. Умид қиламизки, буларнинг бари уйдурмадан ўзга нарса эмас. Аммо жамиятимизда мазкур иллат мутлоқ йўқолган деб айтишга ҳам ҳали эрта.

Авваллари қаерга борсангиз, қўлингизга қарашар, қилган хизматлари учун пул талаб қилишарди. Ҳаттоки шифохонага тушиб қолсак, ҳамширанинг чўнтагига бир-икки сўм қистирмасак, ҳолингиздан хабар олиш у ёқда турсин, дориларни вақтида беришмаган. Фарзандли бўлган оилаларни-ку, айтмаса ҳам бўлаверади. Бечора ота фарзандини туғруқхонадан олиб чиққунча чўнтагидаги бор-будини ҳамшираю, шифокорларга ташлаб чиқарди. Жонингизни суғуриб олгандек бўларди ўзиям... Шукрки, кейинги пайтларда мазкур иллат анча жиловланди.



«Қўл ҳақи бериб кетмайсизми?»

ЭРТАГА ЎҚИШНИ ТУГАТГАН ТАЛАБА БИРОН ЖОЙГА ИШГА ЖОЙЛАШСА, ҲАЛИ У, ҲАЛИ БУ ШИФОКОРГА «БЕМОРИМГА ҚАРАБ БЕРИНГ» ДЕБ ЮГУРАДИМИ? БОШ ОҒРИҒИ БИЛАН КЕЛГАНЛАРГА ҚОРИН ОҒРИҒИ ДОРИ ЁЗИБ БЕРАДИМИ? ЁКИ ҲАҚИҚАТДАН ЁРДАМГА МУҲТОЖ БЕМОРЛАР ҚОЛИБ, ЧўНТАГИГА ПУЛ ҚИСТИРГАНЛАРГА ҚАРАЙДИМИ?

Хуллас, гап бундай, яқинда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумининг «Ҳамширалик иши» йўналишида ўқийдиган танишим билан суҳбат давомида: «Дарс жараёни якунланиб, рейтинг дафтарчасини тўлдиришга келганда, устозларнинг қўлига бир-икки сўм бермасак, баҳо қўймасдан ишимизни судраб юраверади», — дейди. Ишни чўзгани етмагандек, баҳолар нархини ҳам ошириб бораверади.

Талаба жон куйдириб ўқиди нимаю, ўқимади нима. Ўқиган ҳам, ўқимаган ҳам, дарсга вақтида қатнашган ҳам, қатнашмаган ҳам осонгина пулини тўлаб баҳосини олиб кетаверади. Шундан сўнг талабаларнинг ўқигиси келадими? Яхши ўқийдиган талаба бир-икки бор ўз кучи билан баҳосини олади. Лекин бундай ҳолатни кўргач, ҳафсаласи пир бўлиши табиий.

«Амалиётни ўташ учун оилавий поликлиникага бордик. Икки ҳафта ўша ерда шуғулландик. Амалиётни якунлаб қайтаётганимизда эса устозимиз барчани йиғиб, «сизларга ўргатган нарсаларни учун докторларнинг қўлига бир-икки сўм бериб кетинглар,

қуруқ бўлмасин» деб пул йиғиб чиқди. Амалиёт давомида эса эски амбулатор дафтарларни юзини алмаштириб қайта тиқишдан бошқа нарсани ўрганмадик. Яна ўргатганлари учун «раҳмат»ни қуруғи бўлмасин дея пул ҳам бериб қайтдик», — дея сўзини давом эттирди суҳбатдошим.

Биз билан суҳбатлашган юқори курс талабалари ҳадеб йиға-йиғдан безор бўлиб кетганини, пул тўлаб, баҳо олишдан чарчашганини айтишдию, кейин «Мени ёзманг, бошим балога қолмасин, тинчгина ўқишимни тамомлаб олай», — дея қўшиб қўйишди. Ёзсам уларга жабр, ёзмасам шу қўлим чидолмайди-да. Ҳа, майли, ёзаверайчи...

Бир неча йиллик тажрибага эга устозлар талабаларга ўзидаги бор билимни бериш ўрнига ўсиб келадиган ёш авлодни (қўпол бўлса ҳам айтмасак бўлмас) билим бор жойда ишни пул билан битиришга ўргатаётгани тўғрисидаги бу гап-сўзлар дилни хира қилади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, эртага ўқишни тугатган талаба бирон жойга ишга жойлашса, оғир аҳволда келтирилган беморга қандай ёрдам кўрсатишни билмасдан ҳали у шифокорга, ҳали бу шифокорга «беморимга қараб

беринг» деб югурадими? Бош оғриғи билан келганларга қорин оғриғи дори ёзиб берадими? Ёки ҳақиқатдан ёрдамга муҳтож беморлар қолиб, чўнтагига пул қистирганларга қарайдими?

Очиғи, танишимнинг бу гапларидан ҳайратландим. Барака топсин, бошқа гуруҳ талабалари устозларини шунақа мақташдики, уларда юқорида келтирилган ҳолатлар бўлмас экан.

Ҳолатга ойдинлик киритиш учун танишим таҳсил оладиган Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумининг Хирургия ва реанимацияда ҳамширалик иши фан ўқитувчиси Муқаддас Қаюмова билан боғландим. Унинг сўзларига кўра, талабалардан умуман баҳо ёки бошқа нарсалар учун пул талаб қилинмаслигини, бордию бундай ҳолат аниқланса, зудлик билан қонуний чора кўрилишини аниқладим.

Қизиққонлигим шу билан босилса қани эди-я, калаванинг учини топиш учун техникум маъмуриятига телефон қилдим. Аммо мутасадди ҳам талабаларнинг рейтинг дафтарларига баҳо қўйиш учун пул талаб қилинмаслигини айтди. Лекин ким ҳам «ҳа талабаларни

рейтинг дафтарини пулга тўлдираемиз», дейди. Бироқ талабалар томонидан билдирилган норозиликларни ўз номимдан газетада эълон қилмоқчилигини айтган эдим: «Мени ёзманг, бошим балога қолмасин», — деди. Наилж кимнидир бошини балога қолдириш фикридан йироқмиз.

Бу ҳолатда кимга ишонишга ҳам ҳайронсан киши. Талаба ўзининг ўқишдаги дангасалиги учун айбни устозларга ағдараётган бўлсачи? Зотан, шунга ўхшаш ҳолатларга кўп гувоҳ бўламиз. Умид қиламизки, буларнинг бари уйдурмадан ўзга нарса эмас. Аммо жамиятимизда мазкур иллат мутлоқ йўқолган деб айтишга ҳам ҳали эрта.

Буларнинг қай бири бўлгану, қай бири бўлмаган гаплигини англолмай, камига танишимнинг ёнига нега келганим ёдимдан кўтарилиб, эслолмай ўтирибман. Қўлгинам қурғур яна ёзди қўйди-я. Аттанг, ишқилиб эртага кимнингдир боши балога қолмаса бўлди энди. Шунча гапни ёзганим учун ўзимнинг ҳам бошим балога қолмасмикан-а?

Мансурбек ЖАББОРОВ,
УЗЖОКУ талабаси.

Меҳнат шартномасида нималар тақиқланади?

Янги Меҳнат кодексига кўра, меҳнат шартномасига қуйидаги шартларнинг киритилиши ўз ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди:

- ☑ **ҳодимнинг ҳолати**ни меҳнат қонунчилиги ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳужжатларга нисбатан ёмонлаштирадиган;
 - ☑ меҳнат ва машғулотлар соҳасида **камситишни тақиқлаш** талабларини бузадиган;
 - ☑ **мажбурий меҳнат**ни тақиқлаш ҳақидаги талабларни бузадиган;
 - ☑ **ҳодимни қонунга хилоф ҳаракатларни, бошқаларнинг ёки ходим ўзининг ҳуқуқларини бузадиган, ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган, шаънига, қадр-қимматига ёки ишчанлик обрусига путур етказадиган ҳаракатларни** амалга оширишга мажбурлайдиган шартлар.
- Меҳнат шартномаси айрим шартларнинг ҳақиқий эмаслиги меҳнат шартномасининг умуман ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлмайди.

Кодекс расмий эълон қилинган кундан эътиборан 6 ой ўтгач (2023 йил 30 апрелдан) кучга кирилади.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi»
журнали муҳаррири:
Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uy) МЧЖ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоли келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Улчами — АЗ, 4 босма табоқ.
7 900 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1018
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

